БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 23
12 МАРТ ЖУМА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Халқимизнинг тинч меҳнат қилишини та'минлаш ва меҳнаткашларнинг моддий ҳамда маданий турмуш даражасини тўхтовсиз кўтаришни та'минлаш истаги Коммунистик партия ва Совет ҳукумати учун муқаддас бир нарсадир. Шу сабабдан, партия ва ҳукумат янги урушга йўл қўймаслик учун, халқларнинг тинч яшаши учун, халқаро аҳволдаги кескин вазиятни юмшатиш ва давлатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатилиши учун бутун кучини сарф қилади.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатидан).

Партия ўқувининг юксак ғоявий савияси учун

Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган совет халқи коммунизм қуришдек буюк ва шарафли вазифани муваффақият блан ҳал этмоқда. Партиямиз XIX с'ездининг тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек КПСС Марказий Комитети март Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида» чиқарган қарори совет халқига коммунизм қуришнинг равшан перспективларини кўрсатиб бермоқда.

Мамлакатимизда коммунистик жамиятнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли амалга оширишда кадрларимизни марксизм-ленинизмнинг буюк, ғолиб ва ижодий назарияси блан қуроллантириш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки кадрларимизнинг сиёсий онглилиги, марксча-ленинча билим даражаси нақадар юқори бўлса, олдимизда турган муҳим ва мураккаб вазифаларни шунчалик тўғри ва тез ҳал этиш мумкин бўлади. Партия, совет, давлат, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ҳамма кадрлар, мутахассислар, улар қандай участкани бошқараётган ва қандай участкада ишлаётган бўлмасинлар, ўз ишларида марксизм-ленинизм назариясига амал қилишлари зарур. Бу назарияни ижодий ўрганмасдан орқада қолиб, формулаларни ёдлаб олиб, мақтаниб юрадиган ва янгиликни сезмайдиган киши ички ва ташқи вазиятни тўғри англайолмайди, ундай киши ҳаракатга бошчилик қилаолмайди ва бошчилик қилишга нолойиқдир, ундай кишини ҳаёт бугун бўлмаса, эртага ҳисобдан чиқариб ташлайди. Ўз устида тинмай ишлайдиган, марксизм-ленинизмни ижодий равишда ўрганадиган кишиларгина партиямиз ва халқимиз талабларига жавоб бераоладилар, олдимизда турган коммунистик қурилиш ишларига тўғри раҳбарлик қилаоладилар.

Коммунистик партия кадрларимизнинг марксизм-ленинизм назариясини ўрганиш, ўз сиёсий билим даражаларини оширишлари учун барча имкониятларни яратиб тормоқда. Партия маорифининг ҳамма тормоқлари, марксизм-ленинизм кечки университетлари кадрларимизнинг ўз сиёсий билим даражаларини оширишларида асосий воситадир.

В. И. Ленин асарларининг 35 томи ва И. В. Сталин асарларининг 13 томи ўзбек тилига таржима қилиниб босилиб чиқиши партия ташкилотларига партия ўқувини янада юксак савияда олиб бориш учун, кадрларимизни марксча-ленинча тарбиялаш учун кенг имкониятлар яратиб беради. Область партия ташкилотларининг вазифаси бундай имкониятлардан тўла фойдаланиб, партия маорифининг ҳамма тормоқларида машғулотларнинг юксак савияда ўтиши учун барча тадбирларни кўришдан иборат.

Областимиздаги кўпчилик сиёсий мактаб ва тўгаракларда, марксизм-ленинизм кечки университетларида ўқиш ва ўқитиш ишларининг савияси анчагина яхшиланди. Кўпчилик сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотлар жонли, қизиқарли ва ижодий олиб борилмоқда. Марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганувчилар сони тобора кўпаймоқда.

Тошкент шаҳар Москва район партия комитети партия маорифи ишларига яхши раҳбарлик қилмоқда, сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотларнинг юқори савияда ўтиши учун барча тадбирларни кўрмоқда. Район партия комитетининг кутубхонаси ўқувчиларга яқиндан ёрдам бермоқда. Партия кутубхонасида ҳафтанинг ҳар душанба кунлари пропагандистлар учун систематик равишда семинарлар ўтказилиб турилади. Кутубхона ўқув қуроллари, қўлланмалар ва сиёсий адабиётлар блан тўлиқ та'минланган. Район қурилиш трести партия ташкилоти ҳузуридаги асосий типдаги тўгаракда (раҳбари ўртоқ Лашчевер), «Шарқ гули» артели партия ташкилоти ҳузуридаги тўгаракда (раҳбари ўртоқ Уразаев) машғулотлар ижодий, ҳозирги кунимиз вазифалари блан боғланган ҳолда олиб борилмоқда. Район партия комитети машғулотларнинг юксак савияда ўтиши устидан систематик равишда контрольлик қилиб турмоқда.

Аммо ба'зибир партия ташкилотлари партия ўқувининг юксак савияда ўтишига етарли э'тибор бермаётирлар. «ВКП(б) тарихи қисқа курси» чиқарилиши муносабати блан партия Марказий Комитетининг қабул қилган қарорида партия пропагандасининг қўйилиши, марксизм-ленинизм назариясини ижодий ўрганиш, партиямиз тарихини айрим шахслар ва уларнинг таржимаи ҳоллари асосида баён қилмай, балки марксизм-ленинизмнинг асосий идеяларининг ривожланиши негизида, тарихий фактлар асосида баён қилиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган эди. Аммо ба'зибир партия ташкилотлари бу муҳим кўрсатмани унутмоқдалар. Улар партия маорифида ихтиёрийлик принципини бузиб, сиёсий мактаб ва тўгаракларга кўпроқ киши жалб қилиш мақсадида «сон орқасидан қувиб», ўй-рўзғор ишлари блан банд бўлган хотин-қизларни ўқувга жалб қилаберганлар. Бундай факт партия ўқувини юксак даражада олиб боришга, унинг жонли ўтишига ҳалал беради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ба'зибир сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотлар паст савияда олиб борилмоқда, тингловчилар машғулотларга мунтазам қатнашмаётирлар, партия ташкилотлари бўлса партия ўқувининг қандай бораётганлиги устидан контрольлик қилмаётир. Бунга областимизнинг Бўка ва Пискент районлари мисол бўлаолади. Бу район партия комитетлари партия маорифи ишига юзаки раҳбарлик қилмоқдалар. Райондаги сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотларнинг савияси жуда паст, марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганучилар учун имкониятлар яратиб берилмаган. Пискент район партия комитетининг кутубхонаси ўқувчиларга яқиндан ёрдам кўрсатмаётир, кутубхона ҳузурида мустақил ўқувчилар учун консультациялар, пропагандистлар учун семинарлар мунтазам равишда ўтказилмайди. Шунингдек Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводи партия ташкилоти ҳузуридаги тўгаракда машғулотларнинг савияси ҳозирги кунимиз талабларига тўла жавоб бераолмайди.

Партия ташкилотларининг вазифаси партиямиз Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотларнинг мазмунли ва юқори савияда ўтиши учун барча тадбирларни кўришдан, партия маорифи ишига формал, ма'муриятчилик блан қараш ҳолларига хотима беришдан иборатир.

Партия маорифи тормоқларида ўқув ва ўқитиш ишларини юқори даражага кўтариш учун машғулотларни коммунистик қурилишимизнинг вазифалари блан, совет воқ'лиги блан маҳкам боғлаб олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Партия ташкилотлари партия ўқувида қироатхонликка, догматизмга, цитатабозликка қат'ий барҳам беришлари лозим, чунки партия пропагандасида догматизм ва қироатхонликка, цитатабозликка йўл қўйиш кадрларимизни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига зарар беради.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитет Пленумларининг қарори асосида партия пропагандаси ишларини янада жонли, янада жанговар қилиш учун барча тадбирларни кўришлари лозим. Пропагандист кадрлар ўз ишларини сентябрь Пленуми ва партиямиз Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми қарорлари асосида область, район, корхона, колхоз, МТС ва совхоз олдида турган конкрет вазифалар блан боғлаб олиб боришлари керак. Партия ташкилотлари пропагандист кадрларига ҳозирги замон қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг асосий масалаларини ўрганиб олишлари учун ёрдам беришлари керак. Бундай тадбирлар пропагандистларимизга партия ўқуви ишларини партиямиз талаб қилган даражага кўтаришларига машғулотларни ижодий, коммунистик қурилишимиз вазифалари блан боғлаб олиб боришларига ёрдам беради.

Кадрларимизнинг марксча-ленинча онглилигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири-мустақил ўқишдир. Партия ташкилотлари марксизм назариясини мустақил ўрганаётган коммунистлар учун барча имкониятларни яратиб беришлари, улар учун систематик равишда консультациялар, лекциялар уюштиришлари, уларнинг ўқиши устидан контрольлик қилиб туришлари керак. Район партия комитетлари партия кутубхоналари ишини янада яхшилашлари, уларни ўқув қуроллари, зарур адабиётлар, кўргазмали қуроллар, ўқув программалари блан тўлиқ та'минлашлари зарур.

Партия маорифи шоҳобчаларида ўқиш ва ўқитиш ишларини партиямиз, коммунистик қурилишимиз талаб қилаётган даражага кўтариш — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Тошкент-Ленин сайлов округи сайловчиларининг ўртоқ Л. М. Каганович блан учрашуви

Ўнбиринчи мартда Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат опера ва балет театрида Тошкент — Ленин сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Л. М. Каганович блан учрашувига бағишланган сайловолди йиғилиши бўлди.

Театр залига 1500 дан ортиқ ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи хотин-қизлар, фан, адабиёт ва сан'ат арбоблари, Совет Армияси вакиллари тўпландилар.

Йиғилганлар президиумга чиққан ўртоқ Л. М. Кагановични давомли гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради.

Йиғилишни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Э. Ниёзов қисқа кириш нутқи блан очади.

Ишончли вакил — Молотов номидаги Тошкент медицина институтининг профессори ўртоқ С. Н. Бобожоновга сўз берилади. Ўртоқ Бобожонов бундай дейди:

Тошкентдаги кўп саноат ва транспорт корхоналарининг, шунингдек муассаса ва ўқув юртларининг коллективлари сайловолди йиғилишларида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси, Лениннинг содиқ шогирди ва Сталиннинг сафдоши Лазарь Моисеевич Кагановични Тошкент — Ленин сайлов округи бўйича СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига ўзларининг кандидати қилиб кўрсатдилар. Совет халқи ўртоқ Кагановични Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли ташкилотчилари ва қурувчиларидан бири деб билади. Лазарь Моисеевич Каганович партия ва давлат соҳасидаги ҳамма вазифаларда ўзига хос ғайрат блан ўзининг бутун куч ва билимларини СССРда коммунизм қуриш ишига сарфламоқда. Ўртоқ Каганович бизнинг сайлов округимизда овозга қўйилишга розилик берганлиги бизни қувонтиради.

Минбарга Л. М. Каганович номидаги Тошкент паровоз-вагон ремонт заводининг энг кекса ишчиларидан бири ўртоқ А. И. Бочаров чиқади. У завод ва бутун округ меҳнаткашлари ўртоқ Лазарь Моисеевич Кагановичнинг СССР Олий Совет депутатлигига Тошкент — Ленин сайлов округида овозга қўйилишга розилик берганлигини зўр қониқиш блан кутиб олганликлари ҳақида гапиради.

Ўртоқ Бочаров умумхалқ байрами — СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик даврида Ўзбекистон пойтахтидаги саноат корхоналари коллективларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги гоят даражада ошганлигини айтади.

— Заводимизнинг коллективи, — дейди ўртоқ Бочаров, — Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, Совет давлатининг отоқли арбоби Лазарь Моисеевич Кагановични СССР Олий Совети депутатлигига шу блан тўртинчи марта кандидат қилиб кўрсатди. Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органида бизнинг вакилимиз бўлган ўртоқ Каганович халқнинг юксак ишончини шараф блан оқламоқда.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитучи ўртоқ М. Каримов сўзлайди. У Совет ҳокимияти йиллари ичида ленинча-сталинча миллий сиёсатни амалга ошириш асосида Ўзбекистонда бўлган мислсиз катта ўзгаришлар тўғрисида кўп та'сирли сўзларни айтди.

— Мен 64 ёшга кирдим, — деди ўртоқ Каримов, — кўплар фақат китобдан ўқиб ёки эшитиб билган нарсаларини мен ўзим кўрганман. Пахта далалари қақраб ётар эди, ҳўкизларга омоч қўшилиб ер ҳайдалар эди, деҳқонлар жулдир кийимларда юрар эдилар, улар ўз оилаларини очликдан ўлиб кетишидан қутқазиб қолиш учун бойдан бирнеча қадоқ ун қарз бериб туришни ёлбориб сўраганларини кўрганман, қишлоқ ва шаҳар камбағаллари ис босган катакдек пахса уйларда яшар эдилар, бутун округда битта ҳам саводли киши бўлмаганлиги сабабли хат ўқиб берадиган кишини қидириб ўнларча чақирим йўл юрган кишиларни кўрганман. Ҳозирчи! Атрофингизга назар ташланг! Кенг колхоз далаларимизда қудратли машиналар ер хайдамоқда, бу далалардан мўл ҳосиллар йиғиб олинмоқда. Юзмингларча ўзбек йигит ва қизлари келажакда амалий фаолият бошламоқ учун мактаб ва институтларда ўқимоқдалар. Республикада юзларча фабрика ва заводлар қурилди. Театрларимизни, киноларни, маданият саройларини, кутубхона, санаторий, дам олиш уйларини айтмайсизми — буларнинг ҳаммаси меҳнатимизнинг самаралари, жонажон Коммунистик партиямиз доно сиёсатининг натижасидир.

Ёш сайловчилар номидан В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг студенти ўртоқ М. Камолова сўзлайди.

— Мамлакатимизнинг йигит ва қизлари, — деди у, — коммунистлар блан партиясизларнинг енгилмас халқ блоки кандидатлари учун, ўзларининг ҳозирги бахтли ҳаётлари ва яна ҳам саодатли келажаклари учун овоз бериш мақсадида 14 мартда фахр блан қувона-қувона сайлов қутилари ёнига борадилар. Ёш совет авлоди Коммунистик партияга бўлган пок муҳаббатининг бутун кучини, жўшқин қалбларининг бутун кучини коммунизм қуриш ишига бағишламоқда.

Ўртоқ Камолова Ўзбекистон пойтахти ёшларининг ватанпарварлик ишлари тўғрисида гапириб, йиғилганларнинг қарсаклари остида, шаҳардаги йигит ва қизлардан беш мингдан ортиқ киши КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш учун курашда муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Қозоғистон, Сибирь, Урал ва Волга бўйида янги ерларни ўзлаштириш учун жўнашга ҳоҳиш билдирганлигини айтади. Уларнинг шоҳли қаҳрамонона традициясига содиқ бўлган комсомоллар партия, Ватан юборган ҳамма жойда биринчи сафларда турадилар.

Сталин номидаги Чирчиқ электрохимия комбинатининг бош инженери ўртоқ И. И. Бурлаченко Тошкент — Ленин сайлов округи составидаги индустриал Чирчиқ корхоналари коллективларининг меҳнат соҳасидаги ишлари тўғрисида гапиради. У электрохимия комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўтган йили мамлакатга йиллик пландан ташқари бирнеча минг тонна минерал ўғитлар жўнатганликларини ма'лум қилади. Ҳозирги вақтда комбинат ўтган йилдагига қараганда 27 процент кўп ўғит чиқармоқда. Чирчиқ машинасозлари қишлоқ хўжалиги учун маҳсулот ишлаб чиқаришни узлуксиз кўпайтирмоқдалар.

— Совет кишиларининг ҳаёти, — дейди ўртоқ Бурлаченко, — кундан-кунга тобора гўзал ва қувончлироқ бўлмоқда. Буни биз бўм-бўш ерда қад кўтарган ўз шаҳримиз мисолида кўриб турибмиз. СССР Олий Советига аввалги сайловдан буён ўтган кейинги тўрт йил ичидагина биз 30 минг квадрат метр уй-жойи қурдик ва фойдаланишга топширдик, болаларимиз учун иккита янги ўрта мактаб бино қилинди. Шу вақт ичида шаҳардаги саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтирдилар.

Чирчиқ меҳнаткашлари, — дейди яна ўртоқ Бурлаченко, — 14 мартда ҳаммалари, битта ҳам қолмай, сайлов участкаларига борадилар ва ўзларининг бузилмас бирлиги ҳамда жипслигини, Коммунистик партияга ва жонажон Совет ҳукуматига чексиз садоқатини янада кучли намойиш қилиб кўрсатадилар.

Тошкент машинасозлик заводларининг коллективлари номидан «Узбексельмаш» заводининг токари ўртоқ М. Шарипова сўзлайди. У бундай дейди:

— Совет кишилари севикли социалистик Ватанимизни янада кучлироқ ва қудратлироқ қилмоқ учун, совет кишисининг ҳаёти янада қувноқ ва бахтли бўлиши учун кундан-кунга тобора яхшироқ ишлашга интилмоқдалар. Биз халқ учун, ўз ватанимиз учун, ўзимиз учун, ҳаммамизнинг фаровонлигимиз учун меҳнат қилаётганлигимиз бизни қувонч блан ишлашга илҳомлантиради. Мен ўзбек ишчиси Тошкент машинасозлари номидан сўзлаш шарафига муяссар бўлдим. Мен шу сайловолди йиғилишининг минбаридан туриб партиямиз Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини, депутатликка кандидатимиз Лазарь Моисеевич Кагановични ишонтириб айтаманки, биз партия ва ҳукумат томонидан ўз олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақият блан бажармоқ учун куч-қувватимизни аямаймиз. Қишлоқ хўжалиги учун машиналарни кўп ишлаб чиқарамиз, колхозларимизни, совхозларимизни ва МТС ларимизни энг янги техника блан қуроллантирамиз!

Тошкент шаҳрининг коммунистик ташкилоти номидан Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ М. Абдураззоқовга сўз берилади. У Тошкент меҳнаткашларининг коммунистик қурилиш ишига қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапиради.

— Шаҳар меҳнаткашлари, — дейди ўртоқ Абдураззоқов, — КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорини ҳамда партия ва ҳукуматнинг меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ҳартарафлама оширишга қаратилган кейинги қарорларини жанговор иш программаси деб қутиб олдилар. Улар КПСС Марказий Комитети Пленумининг мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларни ғалла хўжалигини кучли суратда юксалтириш учун, барча қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун, чорва моллари сонини янада кўпайтириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақани кенг миқ'ёсда авж олдиришга чақирган қарорини жанговор иш программаси деб қутиб олдилар.

Тошкент меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигига мумкин қадар кўп пахта териш машиналари ва экскаваторлар, сеялкалар ва пуркагичлар, культиваторлар ва трактор ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар беришни ўзларининг ҳозирги энг биринчи бурчлари деб билмоқдалар. Бизнинг конструкторлик бюроларимиз, шаҳардаги кўп сонли илмий муассасалар ва ўқув юртлари қишлоқ хўжалик ходимларига актив ёрдам бермоқдалар. Тошкент меҳнаткашлари халқ иste'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни узликсиз кўпайтирадилар ва уларнинг сифатини яхшилайдилар, уй-жой қурилишини янада кенгайтирадилар, савдо ва коммунал корхоналарининг ишларини мукаммаллаштирадилар.

Ўртоқ Абдураззоқов барча сайловчиларни сайлов куни коммунистлар блан партиясизлар бузилмас блокининг кандидатлари учун яқдиллик блан овоз беришга чақирди.

Шундан кейин Тошкент — Ленин сайлов округи бўйича СССР Олий Совети депутатлигига кандидат ўртоқ Л. М. Каганович йиғилганларга қарата катта нутқ сўзлади. Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Л. М. Кагановични давомли қарсаклар блан кутиб олдилар.

(Ўртоқ Л. М. Кагановичнинг нутқи газетанинг келгуси сонида босилади).

(ЎзТАГ)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ В. А. Гребеншчиковга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ер тузучи» деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Туғилганига 50 йил тўлиши муносабати блан ҳамда республикада ер тузилиши соҳасидаги кўп йиллик ва самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Ер тузилиши бошқармаси ер тузучилар партиясининг бошлиги Ўртоқ Виктор Алексеевич **Гребеншчиковга** «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ер тузучи» деган фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри.
1954 йил 10 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ А. М. Соболевага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган кутубхоначи» деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Ўзбекистон ССР да кутубхоначилик ишларини ривожлантириш соҳасида кўп йиллик ва самарали ишларини назарга олиб «Профинтерн» кутубхонасининг мудири ўртоқ Анна Матвеевна **Соболевага** «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган кутубхоначи» деган фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри.
1954 йил 10 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

В. И. Ленин Асарларининг тўла тўпламини ўзбек тилига таржима қилишда, шунингдек уни оммавий тираж блан нашр этишда актив қатнашганликлари учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Компартия тарихи институтининг, Ўзбекистон Давлат нашриётининг ва 3-нчи босмахонанинг ходимларидан 64 киши Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотланди.

КАНОП УРУҒИНИ ҚУРИТИБ ТОЗАЛАЙДИГАН МАШИНА

Қуйичирчиқ районидаги каноп уруғчилик станциясига каноп уруғлигини қуритадиган ва тозалайдиган «ДС—ф—2» маркали янги машина келтирилди. Бу янги машина каноп уруғлигини қуритиш ва тозалашда шу маҳалгача ишлатилиб келинаётган барча машиналардан унумли ва сифатли ишлайди. Масалан, «ДС—ф—2» маркали машина 10 соатда 8 тонна уруғликни қуритади ва тозалайди. Ҳозир бу машина ёрдами блан райондаги колхозларнинг бирнеча юз тонна уруғлиги қуритилиб, тозаланиб, экишга тахт қилиб қўйилди.

Қ. ПЕРШЕЕВ.

Районимиз янада обод бўлади

Коммунистик партия ва ҳукуматимиз совет кишиларининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини етарли даражада қондириш учун тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу ғамхўрлик бешинчи бешйиллик планда ёрқин ифода қилинган. Халқ тўғрисида, унинг ўсиб бораётган талабини та'минлаш тўғрисидаги ғамхўрликни шулардан кўриш мумкинки, давлат коммунал хўжалиги ва уй-жой қурилишларига йилдан-йил кўплаб маблағ ажратмоқда, шаҳар аҳолисининг маданий ва маиший аҳволини яхшилашга зўр э'тибор бермоқда.

Республикамиз шаҳарлари, шу жумладан пойтахтимиз — Тошкентнинг кундан кун ўсаётгани ва қиёфаси тубдан ўзгариб яхшиланиб бораётгани бунга яққол далилдир.

СССР Олий Советига ўтказилган аввалги сайлов блан ҳозирги сайлов ўртасида ўтган даврлар орасида биргина Киров районининг ўзида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Кейинги 3—4 йил ичида «Ўзбексельмаш» заводи районида ва ишчилар шаҳарчасида янги типда ва мукаммал жиҳозланган уч қаватли ўрта мактаб биноси, ўнтадан ортиқ икки қаватли ва ҳарбири 15—16 комплект уйдан иборат бўлган катта уй-жой бинолари қурди. Шунингдек янги касалхона, амбулатория, икки-аптека, икки болалар богчаси, икки болалар яслиси қурилди, Семашко номидаги институт учун районнинг хуш ҳаво ва сайр-гоҳ жойларидан катта бино ажратиб, уни капитал ремонтдан чиқариб берилди.

Районнинг уч жойида социалистик ишчилар шаҳарчаси барпо этилди. Бу шаҳарчаларда скверлар, майдончалар ташкил этилиб, гулзор қилинди. Пайпоқ-трикотаж фабрикаси иккита, полиграфиздат иккита, цветометразведка бошқармаси учта катта уй-жой биноси қурди; 4-нчи ва 5-нчи ғишт заводлари бошқармаси ва бошқа бирқанча саноат корхоналари, ташкилотлар ҳам иморат қурдилар.

Давлат томонидан уй-жойларни капитал ва жорий ремонт қилишга ажратилган 3 миллион сўмдан ортиқ маблағнинг тўғри сарф қилиниши ва ремонтларнинг сифатли ўтказилиши туфайли район Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитетининг Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. 1954 йил биринчи кварталида мўлжалланган ишлар муддатидан илгари—4 февральда бажарилди. СССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказилган сайловлар даврида сайловчиларнинг берган наказаларини амалга ошириш натижасида районда магистральлар вужудга келтирилди. Туркўғрон, Кисловодская, Молотов, Полиграф, Қорамурт кўчаларига асфальт ётқизилди. Ҳозир бу кўчаларнинг ба'зиларида троллейбус ва дизель машиналари қатнамоқда.

40 дан ортиқ кўчадаги тратуарлар асфальт қилинди. Янги ирригация шохобчалари ташкил этилди. Тельман шаҳарчасида ва гидростанция районида янги металл қувирлар ўрнатиб, кўп жойларга сув чиқарилмоқда. Ариқлар тўла ремонт қилинди. Ирригация ишларини яхшилаш блан бир қаторда кўчаларга дарахт ўтқазиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари яхшиланди.

Районда сўнгги вақтда коммунал ва маданий-маиший муассасалар қуриш соҳасида айниқса муваффақиятлар катта. Кейинги икки йил ичидаёқ намунали ҳаммом, якка буюмлар тикиш корхонаси, устки кийим ва пойафзал ремонт корхонаси, сартарашхоналар, фотографиялар ва бошқа бир қатор маиший муассасалар барпо этилди. Учта ошхона, бешта саноат ва озиқ-овқат магазини ва 20 дан ортиқ турли дўконлар қурилди. Шивли совет-колхоз бозори қайтадан қурилиб, кенгайтирилди.

Броқ, коммунал хўжалик ва ободончилик ишларининг ҳозирги аҳволи шаҳар аҳолисининг тобора ўсиб бораётган талабига тўла жавоб бермайди. Ҳамма имкониятларнинг мавжудлигига қарамай, районни янада обод қилиш, санитария жиҳатидан намунали ҳолга келтириш соҳасида фаолиятсизлик кўрсатилмоқда. Кўп кўчаларнинг, коммунал уй-жойларнинг, бозор ва ба'зи саноат корхоналари территориясининг санитария аҳволи талабга мутлақо жавоб бермайди.

Район санитария инспекцияси (врач ўртоқ Паршина) ҳовли жой ва кўчаларнинг тозалиги устидан қат'ий назорат ўрнатмай келмоқда. Район коммунал хўжалиги бўлими ва район уй-жой бошқармасининг раҳбарлари ҳам бу соҳада оператив иш олиб бормайдилар.

Район ижроия комитети ва унинг айрим бўлимларининг иш услубида канцеляриячилик, бюрократик, сансалорлик ва бошқа шу каби зарарли методлар юз бериб туради. Чиқарилган қарорларнинг бажарилиши юзасидан қат'ий назорат ўрнатмаслик, айрим соҳаларга юзаки раҳбарлик қилиш, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини тезда бартараф қилинмаслик ҳоллари ҳали тугатилмаган.

Ободончилик ишларини ривожлантириш йўлида учраб турган тўсқинликлар тўғрисида гапирмай ўтаолмаймиз. Бу ҳолни, кўпроқ шу ишга алоқадор бўлган шаҳар ва республика ташкилотларида учратиш мумкин. Ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Киров районининг энг чет ва аҳолиси кўп бўлган Озарбайжон, Шорс кўчасида саноат ва озиқ-овқат моллари сотадиган намунали магазин биносини қуриш ва бунга борадиган йўлни ремонт қилиш, шағал ётқизиш тўғрисида қарор қабул қилиб, бу қарорни тезда амалга оширишни шаҳар Совети ижроия комитети ва Ўзбекистон Савдо министрлигига топширган эди. Шу қарорга асосан район ижроия комитети магазин учун зарур бўлган жойни ҳам ажратди ва бу ҳақда жуда кўп марта мурожаатлар қилинди. Лекин Савдо министрлиги ва шаҳар Совети шу вақтгача Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бу қарорини бажармай келмоқда.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлиги Киров районида маҳаллий саноатни ривожлантиришга э'тибор бермай келмоқда. Райпромкомбинат учун мебель фабрикаси қуришга алоҳида жойлар ажратиб берилди. Лекин бу қурилиш ниҳоят даражада суст давом этмоқда. Қурилишни тезлатиш, уни керакли ишлабчиқариш воситалари блан та'миндаш соҳасида министрлик ёрдам бермаётир. Кўп қийинчиликлар блан олинган тахта тиладиган станок иш процессида мутлақо яроқсиз ва катта ремонт талаб қиладиган станок эканлиги аниқланди.

Узпромсовет «Узбексельмаш» заводи районида катта комбинат қуриши керак. Бунинг учун керакли жой ҳам, маблағ ҳам ажратилган. Аммо область промсовети (раиси ўртоқ Баҳиров) шу вақтгача ишни бошлашга киришмади. Комбинатнинг техника ҳужжатларини тайёрламади ва ишлабчиқариш воситалари блан та'мин этмади.

Киров районининг келгуси перспективалари ниҳоят катта. Мана шу йилнинг ўзида хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида жуда катта ишлар қилиниши мўлжалланган. Ҳозир районда катта ва намунали туғруқхона биноси қурилабошланди. Бу йил саноат корхоналари 6 минг квадрат метр уй-жой биноси қуришлари керак.

Якка тартибда уй-жой қурилиши ривожланмоқда. Якка уй-жой қурилиши 1953 йилда 1950 йилга қараганда 70 процент ортди. Бу йилнинг ўзида яна 4 минг 500 квадрат метр уй-жой қурилади. Бунинг учун якка тартибда уй қурувчиларга 1,5 миллион сўм қарз беришни мўлжалланган.

Капитал ремонтлар, йўл ва кўприк қурилишлари ва бошқа шу каби ободончилик учун бу йил ўтган йилга қараганда икки баравар кўп маблағ сарф қилиниши мўлжалланган. СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловлар арафасидаёқ янги Кисловодская кўчаси очилди ва унга шағал ётқизилабошланди. Бу кўча Чимкентский тракт кўчасидаги трансспорт ҳаракатини анча енгиллаштиради. Шу блан бир қаторда районнинг энг узоқ кўчалари — Барнаульская, Пятигорская, Водопадная, Войтенцев ва бошқа кўчаларга шағал ётқизилмоқда ва обод қилинмоқда. 15 минг квадрат метр йўлка асфальт қилинади. Районимиз яқин йиллар ичида янада обод ва кўркам бўлади.

Р. НУРУЛЛАЕВ
Тошкент шаҳар, Киров район Совети ижроия комитетининг раиси.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг раиси
Германия Демократик Республикасининг бош министри

ўртоқ ОТТО ГРОТЕВОЛЬГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети 60 ёшга тўлган кунингизда Германия Бирлашган социалистик партияси ва ишчилар синфининг энг кўзга кўринган ташкилотчилари ва раҳбарларидан бири бўлган Сизга қардошлик саломини йўллайдилар ва сиҳат-саломатлик тилайдилар.

Герман халқи тинчликсевар кучларининг ишончли таянчи бўлган Германия Демократик Республикаси қурилишида, Германия меҳнаткашларининг ҳаётий манфаатлари учун, Германияни тинчликсеварлик ва демократик негизда бирлаштириш учун, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш иши учун курашда Сизга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар блан учрашувлари

Ленинград шаҳар Киров сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида 1954 йил 10 мартда

ЎРТОҚ К. Е. ВОРОШИЛОВнинг сўзлаган нутқи

ЛЕНИНГРАД, 10 март. (ТАСС). Бугун А. М. Горький номидаги Маданият саройида Ленинград шаҳар Киров сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Клемент Ефремович Ворошилов блан учрашувга бағишланган сайловолди йиғилиши бўлди.

Шаҳарнинг Ленин ва Киров район заводлари ва илмий муассасаларининг икки мингдан ортиқ вакили — ишлабчиқариш илғорлари, олимлар, врачлар, олий ўқув юртларининг студентлари, Балтика денгизчилари саройнинг байрамдагидек безатилган залига йиғилдилар. Ўртоқ К. Е. Ворошилов президиумда пайдо бўлганда йиғилганлар уни гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар. Ҳамма ўрнидан туради.

КПСС Киров райкомининг секретари ўртоқ К. С. Чернявский йиғилишни очиб, ленинградлилар бутун совет халқи блан биргаликда СССР Олий Совети сайлови кунини меҳнатда янги ғалабалар блан нишонлаётганини айтди. КПСС МКнинг сайловолди Мурожаати меҳнаткашлар ўртасида сиёсий активликни ва меҳнат ғайратини янада ошириб юборди, уларни бутун дун'ёда тинчлик таянчи бўлган севикли Ватанимиз экономикаси ва маданиятини яшнатиш учун янада курашга илҳомлантирди.

Тўрт марта орденли Киров заводининг кекса ишчиси ўртоқ Карташев минбарга чиқади. У, умумхалқ байрамига тайёргарлик кўрилаётган кунларда Ватанимиз меҳнаткашлари социалистик мусобақани авж олдириб юборганларини айтади. Коммунистик партиянинг халқ саодати тўғрисида қилаётган қундалик ғамхўрлиги, унинг доно ташқи ва ички сиёсати барча совет кишилари каби, кировчиларни ҳам меҳнатда янги ютуқлар га руҳлантирмоқда. Завод коллективи сайловолди мусобақасида оширилган социалистик мажбуриятлар олди. Кировчи пўлат қуювчилар пўлатнинг 85 процентини жадал эритишга ва'да берган эдилар, улар 1954 йилнинг икки ойи давомида 90 процентга яқин пўлатни жадал эритмоқдалар. Темирчилар ва йиғувчилар ўз мажбуриятларини ошириб бажармоқдалар.

Нарва заставасининг ҳамма меҳнаткашлари, дейди нотиқ, Клемент Ефремович Ворошиловнинг СССР Олий Совети депутатлигига Киров сайлов округида овозга қўйилиши блан фахрланадилар. Кировчилар 14 мартда партия ва халқнинг содиқ фарзанди ўртоқ Ворошилов учун яқдил овоз бериш блан коммунистлар блан партиясизларнинг қудратли халқ блоки учун, севикли Ватанимизнинг янада яшнаши учун, коммунизм ғалабаси учун овоз берган бўладилар.

«Красный треугольник» заводининг старший инженери ўртоқ Жирновага сўз берилади. Коммунистик партиянинг синалган раҳбарлиги остида дейди у, совет халқи коммунизм сари мардона олға бормоқда. Дон етиштиришни кўпайтириш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида партия томонидан қўйилган янги муҳим вазифаларни ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет интеллигенцияси зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Совет кишилари партиянинг ана шу улуғвор режаларини амалга оширишга қат'ий бел боғладилар,

— Давлат ҳокимиятининг олий органига сайлов куни бизда ҳар гал умумхалқнинг катта байрамига айланиб кетади, — дейди ўртоқ Жирнова. — 14 мартда биз жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати товарагига маҳкам уюшганимизни намойиш қиламиз. Шу куни биз давлатимиз қудратини ҳартомонлама мустаҳкамлаш учун, давлатимизнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган курашида яғи муваффақиятларга эришиш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун овоз берамиз.

Йиғилишда Нарва заставаси ёшларининг вакили ўртоқ Галкин меҳнат қилиш, ўқиш, дам олиш ҳуқуқларига, бахтли, эркин ҳаётнинг ҳамма ҳуқуқларига эга бўлган ёш совет кишиларининг шодлиги ва фахри тўғрисида гапирди. Киров районининг юзлаб йигит ва қизлари, деди у, жонажон Коммунистик партия чақиригига жавобан, Олтой ўлкасидаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун ўша ерларга бориш истагини билдирдилар. Комсомоллар учун партия кўрсатмаларини бажариш йўлида ишлашдан ҳам юксакроқ шараф йўқ. Совет ёшлари партия раҳбарлигида меҳнат зафарларига эришмоқдалар, фан чўққиларини штурм қилмоқдалар, коммунизм қуриш учун билимларни эгалламоқдалар.

Республикада хизмат кўрсатган врач ўртоқ Виноградов ва Киров заводининг новатор слесари, Сталин мукофоти лауреати ўртоқ Зайченко Нарва заставасида Совет ҳокимияти йилларида юз берган ўзгаришлар тўғрисида, сайловолди мусобақаси қатнашчиларининг муваффақиятлари ҳақида сўзладилар ҳамда Киров сайлов округининг ҳамма сайловчилари 14 мартда Коммунистия партиянинг отоқли арбоби Клемент Ефремович Ворошилов учун яқдиллик блан овоз берадилар, деб ишонч билдирдилар

Шундан кейин йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари блан кутиб олинган ўртоқ К. Е. Ворошилов нутқ сўзлади. Ўртоқ Ворошиловнинг нутқи зўр э'тибор блан тингланди ва кўп марта қарсаклар блан бўлиниб турди.

Сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутатлигига кандидат ўртоқ К. Е. Ворошилов блан учрашуви партия, ҳукумат ва бутун совет халқининг буюк ва бузилмас бирлигини кўрсатучи ёрқин намойишга айланди, совет халқининг Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети товарагига маҳкам жипслашганини кўрсатди.

* * *

Қадрли ўртоқлар!

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Олий Совети депутатлигига менинг кандидатурамни кўрсатиб, катта ишонч билдирганингизга учун Ленин шаҳри Киров сайлов округининг барча меҳнаткашларига чуқур миннатдорчилигимни билдираман. **(Гулдурос қарсаклар).**

Улмас Ленин ва унинг ишининг давомчиси улуғ Сталин бизнинг партиямизга халқ ишончини ҳартомонлама қадрлаш, халққа хизмат қилиш, халқнинг яшнаши ва бахт-саодати учун курашиш ҳақида та'лим бердилар. **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети ана шу васиятни муқаддас билиб сақлаб келмоқдалар. Халқимизни янги ғалабалар сари олға ишонч блан бошлаб бораётган партиянинг ҳартомонлама кенг, ўзгартируччи, революцион фаолияти халққа хизмат қилишга бағишланган.

Бу ерда менинг адресимга айтилган самимий сўзларни жонажон Коммунистик партиямизга тамомила бағишлайман, мен ҳамма вақт шу партиянинг содиқ фарзанди бўлиб келдим ва то қалбим урриб турар экан, жонажон Коммунистик партиямизнинг содиқ фарзанди бўлиб қоламан. **(Давомли гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ватанимиз ҳаётида тарихий кун — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига янги сайлов куни яқинлашмоқда. Бизнинг халқимиз бу сайловга Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз атрофига ҳарқачонгидек мустаҳкам уюшган ҳолда келмоқда.

СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловдан буён ўтган тўрт йил ичида Ватанимизнинг халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида социалистик экономика ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишда, Совет давлатининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ва бутун дун'ёда тинчлик ишини янада мустаҳкамлашда жуда катта муваффақиятларга эришди.

Бу муваффақиятларнинг якунлари сизга жуда яхши ма'лум, Коммунистик партия Марказий Комитетининг сайловчиларга қарата чиқаран Мурожаатида бу якунлар яна бир марта ишонарли қилиб эслатиб ўтилган. Ана шу якунлар партия ва ҳукуматнинг совет халқининг фаровонлигини янада ошириш учун, унинг ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини тўла қондириш учун тинмай кураш олиб бораётганликларидан яққол далолат беради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўтган йилда ва шу йилнинг бошида қишлоқ хўжалигини қисқа муддат ичида янада ривожлантириш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва совет савдосини кенгайтириш юзасидан ғоят катта тадбирларни белгиладилар.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарилишининг кескин равишда очиб ташлаши, экономиканинг ана шу соҳасига раҳбарлик қилишлари керак бўлган бирқанча министрликлар ва идораларни қаттиқ танқид қилди ҳамда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини тезроқ ривожлантиришнинг кенг программасини қабул қилди.

Партия Марказий Комитетининг якинда бўлиб ўтган навбатдаги Пленуми МК сентябрь Пленуми директиваларининг қандай бажарилаётганини батафсил муҳокама қилди ҳамда социалистик деҳқончиликни кучли равишда юксалтириш учун шароит яратиш соҳасида колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари томонидан, шунингдек партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари томонидан амалга оширилган катта ишларни та'кидлаб ўтди. Қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси анча ўсди ва мустаҳкамланди, энг муҳими шуки, партиянинг чақириғи асосида жуда кўп малакали мутахассислар — қишлоқ хўжалигини кучли равишда юксалтиришнинг ана шу ҳал қилуви вучлари қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига оқиб келди ва ҳозир ҳам оқиб келмоқда. Аммо бу — қилинадиган ишнинг фақат бошланишидир. Бундан кейин ана шу катта вазифаларни Ватанимиз далаларида фидокорона меҳнат қилиб ҳал этиш керак бўлади. Совет кишиларининг бу жангдан ҳам шараф блан ғолиб бўлиб чиқишларига шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

МКнинг кейинги Пленумида қишлоқ хўжалигини ҳартомонлама ривожлантириш ва тезроқ яхшилашнинг бирқанча тадбирлари ҳам белгилаб берилди. Партия Марказий Комитетининг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги қарори алоҳида диққатга сазовордир.

1954 — 1955 йилларда Россия Федерацияси ва Қозоғистон ССРнинг шарқий областларида дон экиш учун 13 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш эна шу ишларнинг кўлами ва мамлакат олдидаги аҳамияти жиҳатидан совет халқи амалга ошираётган социалистик қурилишнинг энг катта тадбирлари блан бир каторга қўйилиши мумкин. Бу тадбирнинг амалга оширилиши бизга яқин йилларда мамлакатда дон етиштиришни кўп юз миллионлаб пуд ошириш имконини беради.

Ўртоқлар! Шу блан бирга партия ва ҳукуматнинг кейинги вақтда амалга оширган тадбирлари 1953 йилнинг охиридаёқ халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берди. 1953 йилда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган 300 га яқин янги корхона қурилди. Бирнеча юз тўқимачилик, чарм-пойафзал фабрикалари, шунингдек озиқ-овқат саноати корхоналари қурилиши бошланди.

Яна бирқанча катта тадбирлар белгиланмоқда, бу тадбирларнинг амалга оширилиши яқин 2 — 3 йил ичида совет кишиларининг турмуш даражасини кескин равишда оширишни та'мин этади.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаручи саноат тармоқлари шунинг учун ҳам тез сур'атлар блан ривожланмоқдаки, бизнинг социалистик мамлакатимиз бутун экономика асосларининг асоси ва мамлакатнинг ҳозирги замон даражасидаги мудофаа қобилиятини ишончли равишда мустаҳкамлашнинг асоси бўлган оғир саноатни ривожлантирди ва ривожлантирмоқда. Қисқаси, оғир саноатимизнинг муваффақиятларини кўрсатучи ютуқлар қуйидагилардир: 1953 йилда 38 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилди ва 320 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди — бу миқдор 1940 йилдагига нисбатан 2 марта кўпроқдир. Биз 52 миллион тонна нефть чиқардик — бу миқдор 1940 йилдагига нисбатан 70 процент кўпроқдир. Совет индустриясининг юраги бўлган машинасозлигимиз ва оғир саноатнинг бирқанча бошқа тармоқлари тез сур'атлар блан ривожланди.

Биз мамлакатимиз социалистик экономикаси равнақининг асоси бўлган оғир саноатимизни бундан буён ҳам ҳартомонлама ривожлантирамиз ва мукаммаллаштирамиз.

Партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг ички сиёсати совет халқининг моддий аҳволини юксалтиришга муқаррар равишда қаратилгандир. Мамлакатимизда 1947 йилдан бошлаб кенг истеъмол моллаларининг нархлари 6 марта камайтирилди ва шу блан ишчилар ва хизматчиларнинг реал ишҳақи оғишмай ўсиб бормоқда. Чунончи, умуман олганда, 1953 йилда ишчи ва хизматчиларнинг даромади ишловчи бир кишига ҳисобланганда 1952 йилдагига нисбатан 13 процентдан кўпроқ ортди. Давлат бюджетидан йил сайин аҳолига турли нафақалар ва пенсияларга, бепул медицина ёрдамига, мактабларда болаларни ўқитишга ва бошқа маданий-маиший эҳтиёжларга ажратилаётган маблағлар йил сайин ортиб бормоқда.

Шу блан бирга, ҳукумат ўтган йилда колхозчи деҳқонларнинг даромадини кўпайтириш учун бирқанча тадбирларни амалга оширди. Қишлоқ хўжалик солиғи ва колхозчиларнинг шахсий хўжалигидан мажбуриятга тўлаш нормалари анча камайтирилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг кўпгина хилларини тайёрлаш ва сотиб олиш нархлари оширилди, колхозчиларнинг қишлоқ хўжалик солиғидан ўтган йиллардаги қарзлари тўла кечиб юборилди, шунингдек давлатга чорвачилик маҳсулотлари ва картошкадан мажбуриятга топшириш соҳасидаги қарзлар ҳам кечиб юборилди. Колхозларнинг картошка ва сабзавот топширилиб бўйича ўтган йилги қарзлари ҳам кечилди. Ана шу ҳамма тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари ўтган йилда ҳаммаси бўлиб 13 миллиард сўмдан кўпроқ ортди.

Давлат уй-жой қурилишига ажратиладиган маблағларни йилдан-йилга кўпайтирмоқда.

1953 йилда мамлакатнинг шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларида 28 миллион квадратметр уй-жой майдони ва қишлоқларда 400 минг уй қурилди. Озмунча уй-жой қурилмаганини кўриб турибсиз. Аммо бизда уй-жойга эҳтиёж ҳали ҳам катта. Кейинги уруш орқасида мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқлар ғоят кўп вайрон бўлганини бу ерда гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Сиз, ленинградлилар, буни жуда яхши биласиз.

Уй-жой қурилиши ҳамиша партия ва ҳукуматнинг диққат марказида турибди. Бу соҳада кўп иш қилинди, аммо, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яқин йиллар ичида кескин равишда яхшилаш учун яна кўп иш қилиниши керак.

Совет ҳукумати савдони ва совет кишиларига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш соҳасида бирқанча тадбирларни кўрди. 1953 йилда йиллик планга қўшимча равишда савдо шохобчасига 33 миллиард сўмлик моллар берилди. Фақат давлат ва кооператив савдо йўли блангина ўтган йилда аҳолига 1952 йилдагига нисбатан 21 процент кўп мол сотилди.

Яна 2 — 3 йилдан кейин ҳарбир шаҳарда ва ҳарбир қишлоқ районида керакли молларнинг ҳаммасини сотиб олиш имконини яратиш вазифаси қўйилди. Бу ўртоқлар, осон вазифа эмас, шунга қарамай, бу вазифа бажарилади. **(Қарсаклар).**

Халқнинг маданий даражасини янада оширишга катта э'тибор берилмоқда. Илғор социалистик фанимизни ва юксак ғоявий совет сан'атимизни ривожлантиришга катта маблағлар сарфланмоқда. Олимлар, адабиёт ва сан'ат арбоблари-нинг ижодий ишлари ва янада ўсишлари учун ҳамма шароит яратиб берилган.

Совет фани ўзининг халқ олдидаги бурчини шараф блан бажармоқда. Бизнинг олимларимиз атом қувватининг сирларини очиб бердилар. Улар қисқа вақт ичида атом қувватини социалистик хўжалик хизматига, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш хизматига қўйдилар. Бу — совет фанининг Ватан олдидаги буюк хизматидир. **(Қарсаклар).**

Халқ маорифининг эҳтиёжларига ажратилаётган маблағлар йил сайин кўпаймоқда, мактаблар ва олий ўқув юртларининг сони кўпаймоқда. Турли ўқув юртларимизда мамлакатдаги бутун аҳолининг тўртдан биридан кўпроғи ўқиётганини айтиш кифоядир. Ҳозирданоқ етти-йиллик умумий мажбурий та'лим амалга оширилди. Бешинчи бешйилликнинг охирига бориб иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида, область, ўлка ва энг йирик саноат марказларида етти-йиллик та'лимдан умумий ўрта та'лимга ўтиш амалга оширилади, бундан кейинги бешйилликда эса ҳамма ерда умумий ўрта та'лим амалга оширилади. **(Қарсаклар).**

Ватанимизнинг муваффақиятларини Ленинград мисолида яққол кўриш мумкин. Ўртоқлар, гитлерчи босқинчиларнинг қаҳрамон шаҳримизни қаттиқ вайрон қилганини ҳаммамиз эсимизда сақлаймиз. Шаҳарнинг ўнлаб корхоналари, бутун-бутун кварталлари ҳаробазорга айлантирилган эди. Энди эса, урушдан кейин 10 йил ўтгандан сўнг, Ленинграднинг кенг, гўзал кўчаларидан юриб борар эканмиз, унинг янгиланганини, ҳуснига ҳусн қўшилганини, унинг олга қараб катта қадам ташлаганини кўриб турибмиз!

Ленинградлиларнинг ва даставвал ишчиларнинг қаҳрамонона меҳнат қилаётганлиги туфайли Ленинград саноати ишлабчиқариш планларини йил сайин умуман тўла ва ошириб бажармоқда. Шаҳардаги бутун саноатнинг ялпи маҳсулоти 1953 йилда 1949 йилдагига нисбатан 81 процент ортди. Шаҳар ва область корхоналари ўтган йилда давлат планини 104,2 процент бажардилар, шунингдек меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқ ҳам ошириб бажарилди.

Ўртоқлар! Партия ва ҳукумат халқларимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг таянчи бўлган Совет социалистик давлатимизни ҳартомонлама мустаҳкамлашни ўзларининг муқаддас бурчлари деб ҳисоблайдилар. Совет давлати ҳамма вақт ва албатта мустаҳкам, қудратли бўлиши керак — олга қараб ҳаракат қилишимизнинг гаровидир шу. **(Давомли қарсаклар).**

Коммунистик партия ишчилар блан деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқини барпо қилди ва ҳардоим ўстириб келди, Бу иттифоқ мамлакатимизда Октябрь ғалабасини, социалистик тузум тантанасини та'минлаб берган ҳал этучи куч бўлди. Ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларимизнинг иттифоқини ҳартомонлама мустаҳкамлай бориб, биз коммунизм қурилишида муваффақиятларга эришишлишни та'минламоқдамиз.

Совет халқларининг бузилмас, тобора ва муттасил равишда мустаҳкамланаётган, чинакам қардошларча дўстлиги социалистик жамиятимизнинг буюк кучидир. Совет кишиларининг ҳаммалари ўз буюк социалистик Ватанининг гражданлари бўлганликлари учун чексиз фахрланадилар ва шу блан ўзларини бахтли кишилар деб биладилар. **(Қарсаклар).**

Тинчлик, демократия ва социализм курашчиларининг қудратли лагери йил сайин ўсмоқда ва ҳаётий куч бўлиб камолга етмоқда.

Улуғ Хитой ва халқ-демократияси мамлакатларининг халқлари тараққиёт йўлидан ишонч блан олға бормоқдалар, бахтли, яратучи ҳаёт кечирмоқдалар. Улар экономика ва маданият соҳасида ҳозирданоқ катта-катта муваффақиятларга эришдилар, СССР нинг қардошларча ёрдами ўз янги ҳаётларини қуриш йўлидаги барча қийинчиликларни сабот ва шараф блан енгаётган дўстона халқларнинг янада яшнаши учун гарантиядир.

Ўртоқлар! Партия ва ҳукуматнинг сиёсати ҳамма вақт бутун совет халқининг яқдил ма'куллашига ва актив қўллаб-қувватлашига сазовор бўлиб келди. Совет кишилари Коммунистик партиянинг келажак учун тузган планларини ма'куллашмоқдалар. Аммо, планларнинг ҳақиқатга айланмоғи учун уларни ма'куллашнинг ўзигина кифоя қилмайди. Миллионмиллион кишиларнинг ўқиниб, ишдий тарзда астойдил ишлаши керак. Биз, коммунистлар, ишчан кишилармиз, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо шу нарса ҳам сир эмаски, коммунистлар орасида яхши нутқлар сўзлашга моҳир бўлган ва бу ишни яхши кўрадиган, амалда эса ўзларига топширилган участкадаги ишга раҳбарлик қилишга моҳир бўлмаган ва шу ишга раҳбарлик қилишни ўрганишга астойдил ҳаракат қилмайдиган ўртоқлар ҳали ҳам бор. Ана шу тоифадаги кишиларни тезроқ тартибга чақириб қўйиш керак. **(Қарсаклар).**

Бизнинг хўжалик, маданий ҳаётимизнинг ва бошқа амалий ишимизнинг барча катта ва кичик участкаларида раҳбарликнинг қоғозбозлик-бюрократик методларидан ҳам дарҳол ва қат'ян воз кечиш лозим. Афсуски, қуйи, ўрта ва юқори даражадаги турли звеноларда раҳбарлик қилиш — даставвал, директивалар, кўрсатмалар, эслатмалар, талабномалар ва ҳоказолар ёзишдан, фақат шуларни ёзишдангина иборат деб ҳисобловчи раҳбарлар ҳали ҳам бор. Бундай ишлаш зарарлидир ва бундай иш усулига тезроқ барҳам бериш лозим. **(Қарсаклар).**

Марказий муассасалар ва маҳаллий органларнинг ташкилотчилик, етакчилик иши даражасини қат'иян кўтариш, хўжалик ва маданий қурилишнинг турли-туман процессларига жонли, конкрет, амалий раҳбарлик қилишда уларнинг ролини ошириш, уларнинг кенг омма блан амалий алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш лозим.

Олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли равишда бажариш учун саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимизда ғоят кўп бўлган резервларнинг ҳаммасини ишга солиш зарур.

Қишлоққа жуда кўп мутахассислар келди ва келмоқда. Совхоз, МТС ва колхозлар жуда кўп янги техника олдилар. Эндиги иш — янги мутахассис кадрларни тўғри жойлаштиришдан, техникадан моҳирлик блан фойдаланишдан ва шундай қилиб, ҳосилни ҳамда жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлигини оширишга эришишдан, барча колхоз ва совхозларни илғорлар даражасига етказишдан, социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг янада яшнашига эришишдан иборат.

Саноатда ҳам фойдаланилмаётган кўпгина резервлар мавжуд. Планларини бажармаётган корхоналар бор. Ғоят бой техникадан бирқанча фабрика ва заводларда ёмон фойдаланилмоқда. Меҳнат унуми секин ошмоқда. Ишлабчиқариш қувватлари ва майдонларидан яхшироқ фойдаланиш учун ҳамма ерда ҳам астойдил кураш олиб борилмоқда, деб айтиб бўлмайди.

Афсуски, бундай камчиликлар Ленинградда ҳам озми-кўпми учрамоқда.

Сизнинг областингизда қишлоқ хўжалик ишлари талабга кўп даражада жавоб бермайди; дон, картошка ва сабзавот ҳосили паст, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги етарли эмас. Область ташкилотлари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда бюрократик методларга ҳали ҳам барҳам берган эмаслар. (Залда жонланиш, **қарсаклар).**

Ленинград корхоналарининг ишида ҳали ҳам нуқсонлар бор. Бирқанча корхоналар 1953 йилги давлат планларини ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш ва меҳнат унумини ошириш юзасидан тузилган планларини бажармадилар. Ба'зибир завод ва фабрикалар бир ме'ёрда ишламаётир, уларда штурмачилик одат бўлиб қолган. Заводларнинг ичидаги резервларни очишда етарли активлик кўрсатилмаётир ва улардан етарли фойдаланилмаётир, кўпинча мураккаб қимматбаҳо маҳсулотларни ишлашда бракнинг проценти катта — бу-лар-нинг ҳаммаси Ленинград партия, совет ва хўжалик ходимларидан саноатнинг ишига амалий раҳбарлик қилишни ва саноатнинг ишини кун сайин контроль қилиб туришни талаб этади.

Сиз уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиши соҳасида кўпгина муваффақиятларга эришган бўлсангиз ҳам, бу соҳада ҳамон аччагина камчиликлар бор. Бинолар қимматга тушмоқда, уларни қуришда зарар кўрилмоқда ва материалларни сарфлашда хўжасизлик юз бермоқда. Тайёрлаб топширилаётган уйларнинг сифати тўғрисида кўпгина та'налар эшитилмоқда.

Ўртоқлар, катта муваффақиятлар қозонганингизга қарамай, ҳали ҳам аччагина нуқсонлар борлигини кўриб турибсиз. Қаҳрамон шаҳар меҳнаткашлари ана шу камчиликларни шараф блан тугатадилар, деб айтиш мумкин. Бунинг учун Ленинградлиларда зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси — мустаҳкам партия ташкилоти, Ватанга муҳаббат, билим, меҳнат ғайрати ва меҳнатда большевикча сабот-матонат бор. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Бизнинг социалистик Ватанимиз Олий Совет сайловини ижодий кучларга тўлиб-тошган ҳолда кутиб олмоқда.

Қўлга киритилган муваффақиятлар бизнинг ижтимоий ва давлат тузумимиз капиталистик тузумдан устун эканлигини ёрқин исбот қилмоқда. Икки системанинг тинч йўл блан мусобақалашишида социализм капитализм устидан ғалаба қозонмоқда. Бу ғалабани фақат дўстларгина эмас, балки душманларимиз ҳам кўриб турибдилар.

Урушдан кейинги даврда капиталистик давлатларнинг экономикаси асосан ҳарбий саноатнинг ўсиши ҳисобига ривожланди. Бу мамлакатлар экономикасининг бу хилда сун'ий ривожланишининг узоқ вақт давом этиши мумкин эмас.

Ҳақиқатда ҳам шундай бўлмоқда, кейинги ойларда Америка Қўшма Штатларида, шунингдек бошқа капиталистик мамлакатларда авж олаётган иқтисодий кризис нишонлари аён бўлиб қолди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасайиб кетмоқда, кенг истеъмол моллаларининг нархлари ошмоқда, ишсизлик кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам реакцион доираларнинг уруш вахимасини қучайтириш, халқаро вазиятда тобора кескинлик муҳитини ва зўр бериб қуроллашишни давом этдириш муҳитини вужудга келтириш йўли блан иқтисодий кризисдан қутулишга уринаётганликлари тушунарлидир.

Ўртоқлар! Совет давлатининг ташқи сиёсати ҳаммага ма'лум. Янги урушга йўл қўймаслик, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик бўлишига эришиш, бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун халқаро кескинликни бўшаштириш шу сиёсатнинг мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Буюк хитой халқи ва халқ-демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари блан, капиталистик мамлакатлар ва мустамлака мамлакатларидаги миллион-миллион оддий ва софдил кишилар блан қардошларча бирликда Совет давлати тинчлик ва халқлар дўстлигининг олижаноб байроғини баланд кўтариб бормоқда. **(Қарсаклар).**

Империалистик мамлакатларнинг агрессив доиралари давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда фақат «эўравонлик тили» мавжуддир, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Аммо, бу гапларга эндиликда жуда оз кишилар ишонади.

Совет ташқи сиёсатининг тинчликсевар сиёсат эканлиги тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгашида яна бир марта намойиш қилиб кўрсатилди. Ана шундай кенгаш чақирилишининг ўзиёқ халқаро кескинликни юмшатиш тарафдорлари қозонган шубҳасиз муваффақиятдир.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрлари Берлин кенгашининг якунлари эндиликда ма'лумдир. Берлин кенгашидаги делегациямизнинг бошлиғи ўртоқ Молотов Берлин кенгашининг якунлари тўғрисида яқинда муфассал баёнот берди. Шу баёнот э'лон қилинганидан кейин, менингча, бу масала юзасидан бу ерда батафсил гапириб ўтишнинг ҳожати йўқ.

Бир нарса шубҳасизки, тўрт давлат ташқи ишлар министрлари ўртасида фикр олишувда узоқ вақт танаффус бўлганидан кейин чақирилган Берлин кенгаши бирқанча халқаро масалаларнинг ойдинлашувига имкон берди ҳамда халқаро вазиятдаги кескинликни бирқадар юмшатишга йўл очди. Жумладан, апрель ойида Корея ва Ҳинди-Хитой масалалари юзасидан Женвада бўладиган кенгаш ана шу мақсадларга хизмат қилмоғи керак.

Ташқи дун'ё блан амалий алоқаларнинг ўсиши бизнинг тинчлик сиёсатимизда катта ўрин эгаллайди. Мен бу ерда кейинги вақтда ўзаро манфаатдорлик негизида Совет Иттифоқининг бирқанча капиталистик давлатлар блан тузган бирқанча савдо шартномаларини назарда тутаман. Бу амалий алоқалар, шубҳасиз, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик бўлишига ма'лум даражада ёрдам беради.

Шундай бўлса ҳам, ҳарҳолда, биз қуршов ичида яшаб турибмиз, бу қуршов жиддий э'тибор бериб қарашни талаб этади ва биз Ватанимиз мудофаси ишини унутмаслигимиз лозим. Совет Иттифоқи урушдан кейинги йилларда янада кучлироқ ва қудратлироқ бўлиб қолди. Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳарқандай шароитда ўз тинчликсевар буюк халқининг ижодий меҳнатини қўриқлаш учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Бизнинг социалистик Ватанимиз Маркс — Энгельс — Ленин — Сталининг буюк ғолибона байроғи остида ўз йўлидан сабот блан бормоқда. Совет кишилари ўзларининг ажойиб истиқболига ишонч блан назар солмоқдалар. Бизнинг мамлакатимиз СССР Олий Совети сайлови кунларида сиёсий активлик ва ғайрат блан меҳнат қилмоқда, бу эса совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг ҳамда халқимизнинг Совет Иттифоқида коммунизм қурилиши улуғвор программасини тўла амалга оширишга қат'ий бел боғлаганлигининг ёрқин намойишидир. **(Қарсаклар).**

Ленинград меҳнаткашлари урушдан кейинги халқ хўжалиги планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашда ҳамиша олдинги сафларда бордилар. Сиз улуғ Ленин номини олган шонли шаҳарда, совет ҳокимияти туғилган шаҳарда яшаш ва ишлаш бахтига эгасиз. Ўртоқлар, ўзларининг революцион традицияларига содиқ бўлган Ленинград меҳнаткашлари бундан кейин ҳам коммунизм қуруччиларнинг биринчи қаторларида борадилар ҳамда партия ва ҳукумат томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф блан бажарадилар. деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

Ўртоқлар! Бизнинг сайловларимиз ҳамма вақт совет демократиясига, партия, ҳукумат ва халқнинг бузилмас бирлигига жанговар кўрик бўлиб келди ва жанговар кўрик бўлади. Шубҳа йўқки, СССР Олий Советига бўладиган бу сайловда ҳам ҳамма совет кишилари коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун, социалистик Ватанимизнинг янада яшнаши учун яқдиллик блан овоз берадилар. **(Қарсаклар).**

Менга кўрсатган катта ҳурматингиз учун сизга ва сиз орқали Киров сайлов округининг барча меҳнаткашларига яна бир марта миннатдорчилик билдиришимга ижозат этгайсиз. Мен ҳамма вақт халқ ишига, партиямиз ишига, коммунизм ишига содиқ бўламан ва ишончингизни оқлайман, деб ўз сайловчиларимни ва бутун Ленин шаҳарининг барча меҳнаткашларини ишонтираман. **(Давомли гулдурос қарсаклар).**

Севикли социалистик Ватанимиз мустаҳкамлансин, ўссин ва яшасин! **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин буюк совет халқи! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — улуғ, шонли Коммунистик партиямиз! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин Совет ҳукуматимиз!

(Овацияга айланиб кетган гулдурос қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради «ура!» деган табрик сўзлари айтилади).

Москва шаҳар сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида 1954 йил 10 мартда

ЎРТОҚ Н. А. БУЛГАНИНнинг сўзлаган нутқи

10 мартда Союзлар Уйининг Колонна залида Москва заводлари ва фабрикаларининг ишчилари, инженерлари ва техниклари, совет фани ва сан'атининг арбоблари, ўқитучилар, врачлар, Совет Армиясининг вакиллари, студентлар, пенсионерлар, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи аёллар тўпландилар. Бу ерда сайловчиларнинг Миллатлар Советига сайлов ўтказиладиган Москва шаҳар сайлов округи бўйича СССР Олий Совети депутатлигига кандидат — Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли арбоби, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Мудофаа министри ўртоқ Н. А. Булганин блан учрашувга бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Н. А. Булганининг президиумда пайдо бўлишини тинмай узоқ давом этган гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар.

Йиғилишни Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. В. Капитонов очади.

Электр лампалар заводининг слесарь механиги ўртоқ А. М. Малинкинга сўз берилади. У, бутун совет халқи блан биргаликда электр лампалар за

Сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар блан учрашувлари

Ўртоқ Н. А. БУЛГАНИН нутқи

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўртоқлар!

Даставвал сизларга ва Москва шаҳар сайлов округидаги бошқа барча сайловчиларга Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети депутатлигига менинг кандидатурамни кўрсатиб, менга ишонч билдиргаларингиз ва юксак шараф учун чин қалбимдан ташаккур изҳор қилишимга рухсат эттайсиз. (Қарсаклар).

Мен сизларнинг депутатингиз бўлишни шараф деб биламан ва сизларга ҳамда бошқа ҳамма сайловчиларимга ва'да бериб айтаманки, менга кўрсатган ишончингизни оқлаш учун бутун куч-қувватимни сарфлайман. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! СССР Олий Советига сайлов юзасидан сайлов кампанияси, бундан аввалги йиллардагидек, бу гал ҳам кўпмиллатли совет халқининг бузилмас бирлиги белгиси остида ўтмоқда. Бу бирлик мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси барпо этган совет тузумининг кучини ва ҳаётчанлигини кўрсатади.

Бундан аввалги сайловдан буён тўрт йил ўтди. Шу вақт ичида босиб ўтган йўлимизга назар солганимизда шуни кўришимиз мумкинки, ҳарбир ўтказган йилимиз совет кишиларининг ҳаётини яхши томонга ўзгартириб бормоқда. Эндиликда, Коммунистик партия ва Ҳукумат қишлоқ хўжалигини ва халқ иste'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кескин суратда юксалтириш ҳақида сизларга ма'лум қарорларни қабул қилгандан кейин турмуш янада тезроқ яхшиланиб боради.

Бунга сабаб шуки, Коммунистик партиямиз бутун фаолиятининг асосий ма'носи халқ манфаатлари учун Совет кишисининг моддий аҳволини яхшилаш ва маданий савиясини юксалтириш учун курашдан иборатдир.

Коммунистик партия Марказий Комитетининг ўтган сайлов арафасида сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатида, партия совет кишиларининг моддий аҳволини янада яхшилаш ва Совет давлатининг қудратини ошириш учун бутун кучини сарф қилади, дейилган эди. Ўтган тўрт йил ичида партия ва Совет Ҳукумати ана шу вазифаларни бажаришни асосий вазифа қилиб қўйдилар.

Хўш, қилинган ишларнинг якунлари нимадан иборат?

Уруш тамом бўлганидан кейин партия ва Ҳукумат оғир саноатни ривожлантиришга асосий э'тиборни бердилар. Бу шунинг учун керак эдики, халқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини муваффақиятли ва тез ривожлантириш учун зарур шароитлар вужудга келтириш талаб қилинар эди. Уруш натижасида ғоят катта зарар кўрган ва кўп кадрларни йўқотган бўлишига қарамай, эндиликда оғир саноатимиз ўз ривожланиши жиҳатидан урушдан аввалги даражадан аллақачон ўтиб кетди ва техника жиҳатидан қудратли ҳамда ҳозирги замон оғир саноати бўлиб қолди. Оғир саноатимиз энг мураккаб ва мукаммал машиналар ҳамда ускуналарни, юқори сифатли пўлатларни, эритмаларни, шунингдек ҳозирги замондаги ҳарбий қурол-яроғни ишлаб чиқараолади.

Бу, ўртоқлар, жуда катта муваффақиятлардир. Ахир, биз 1940 йилдан кейин ўтган 13 йилдан тўрт йили мобайнида миқ'ёси жиҳатидан мисли кўрилмаган урушни олиб бордик ва уруш вақтида хароб қилинган халқ хўжалигини деярлик шунча вақт давомида тиклаш блан шуғулландик.

Оғир саноат халқ хўжалигининг етакчи кучи бўлиб, унинг барча тармоқларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиб беради ва шу блан бирга Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлашни та'минлайди.

Агар биз зарур миқдорларда чўян, пўлат ва рангли металлар, техника жиҳатидан ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган станоклар ва ускуналар, кўмир, нефть ва электр қуввати ишлаб чиқармасак, у вақтда биз танкларга, тўпларга, самолётларга эга бўлолмас эдик, автомашиналарга, ҳарбий кемаларга, шавкатли Совет Армиямиз ва Ҳарбий-Денгиз Флотимиз Улуғ Ватан уруши вақтида та'минланган ва ҳозирда янада яхшироқ та'минланган бошқа қурол-яроғларга эга бўлаолмас эдик.

Оғир индустриянинг ривожланиши мамлакатнинг бутун экономикасини, бутун халқ хўжалигини, шу жумладан енгил саноатни ва, айниқса, қишлоқ хўжалигини илгари силжитди. Мана буларнинг ҳаммаси совет кишиларининг маданий савиясини юксалтиришга ёрдам берди. Заводларда ишчилар ва техникларнинг малакали кадрлари, қишлоқ хўжалигида тракторчилар, комбайнчилар ва бошқа мутахассис кадрлар етишди. Мамлакат жуда кўп инженер кадрлар ва барча ихтиослардаги олимлар блан бойиди.

Шундай қилиб, биз социалистик индустриализация базасида экономикамизда революция қилдик. Натижада мамлакатимиз ҳамма жиҳатдан илгор буюк давлат бўлиб қолди.

Биз мана буларнинг ҳаммасига урушдан аввалги бешйилликларни амалга ошириш натижасида эришдик, бу бешйилликлар Ўлмас Ленин ишининг улуғ давомчиси И. В. Сталин бошчилигида Коммунистик партия Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида амалга оширилди.(Давомли қарсаклар).

Оғир саноат ана шундай ривожлантирилганлиги натижасида партия ва ҳукумат саноат ва озиқ-овқат моллари ишлабчиқаришни кескин суратда юксалтириш масаласини ўртага қўйолдилар.

Бу ерда гап халқ иste'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни, ҳозирги вақтгача бўлганидек одатдагидек ҳар йили ўстириб бориш ҳақида бораётгани йўқ. Гап шу ҳақда бораётган, аҳолини яхши сифатли саноат ва озиқ-овқат моллари блан, чиройли газламалар, пойафзал, кийим-кечак, мебель, гўшт, ёғ ва бошқалар блан та'минланишини яқин икки-уч йил ичида кескин сур'атда ошириш керак.

Меҳнаткашларнинг манфаатлари тўғрисида ғамхўрлиқ қилиш фақат ана шу қарорлар қабул қилинган пайтдангина бошланди деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Бундан илгари ҳам бу соҳада кўп ишлар қилинди. Масалан, буни савдосотиқни қучайганлиги яққол кўрсатиб турибди. Совет кишиларининг ҳархил моллари кўпроқ сотиб олабошлаганликлари, уларнинг даромади ўсганлиги, моллар кўпайганлиги, молларнинг арзонроқ бўлиб қолганлиги фактку, ахир. Карточка системаси бекор қилинган 1947 йилдан буён мамлакатимизда кенг иste'мол молларининг давлат чакана нархлари ҳар йили камайтириб борилди, бу эса жуда реал ва барча совет кишилари учун жуда сезиларли натижаларни берди.

Ана шу айтилганлардан қандай хулоса келиб чиқади? Хулоса қуйидагича. Коммунистик партиянинг халқ турмушини яхшилаш ҳақидаги ва'даси амалда бажарилаётир. Турмуш ҳақиқатан ҳам яхшиланди ва яхшиланаётир. Партия меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида ўзи белгилаган программани бундан буён ҳам қаттиқ туриб ва сабот блан амалга оширади.

Шу блан бирга, ўртоқлар, бизда ҳали кўпгина ҳархил эҳтиёжлар, айниқса маиший эҳтиёжлар бор ва бу эҳтиёжларнинг ҳаммасини ҳам ҳозирги вақтда тўла қондириб бўлмайди. Биз уни яширимаймиз. Масалан, урушдан кейинги вақтда Совет Иттифоқининг шаҳарларида ва ишчилар посёлкаларида ишчи ва хизматчилар учун 183 миллион квадрат метр уй-жой майдони, қишлоқ жойларида эса колхозчилар ва қишлоқ интеллигенцияси учун тўрт миллиондан кўпроқ уй қурилган бўлишига қарамай, бизда уй-жой масаласи ҳали ҳам жуда кескинлигича қолмоқда. Бунинг асосан икки сабаби бор, у ҳам бўлса уруш йилларида уй-жой фондининг жуда кўп вайрон қилинганлиги ва шаҳарлардаги аҳолининг тез ўсиб боришидир.

Москванинг уй-жой фонди революциядан илгариги вақтдагига нисбатан икки баравар ошди ва ҳар йили кўп миқдорда уй-жой майдони фойдаланишга топширилмоқда. Броқ, Москвада уй-жойга эҳтиёж жуда ҳам катта. Москвани реконструкция қилиш ҳақида ўн йилга—1951 йилдан 1960 йилгача мўлжалланган ва ҳукумат тасдиқлаган бош план бор. Бу планга биноан Москвада 10 миллион квадрат метр уй-жой, я'ни революциядан илгариги вақтда Москвада бўлган деярлик бутун уй-жой майдони миқдорида уй-жой майдони қурилиши лозим. Москванинг партия ва совет ташкилотлари ана шу планни тўла равишда бажариш ва пойтахтда уй-жой масаласини ҳал қилиш учун жуда жиддий равишда ишлашлари лозим.

Ўртоқлар! Партия ва Ҳукумат кейинги вақтда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига жуда катта э'тибор бермоқдалар. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтирмасдан ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстирмасдан туриб, халқнинг турмушини яхшилаш юзасидан белгиланган программани бажариш мумкин эмас.

Ўтган йили сентябрь ойида Марказий Комитетнинг Пленумида чорвачиликни, картошка ва сабзавот етиштиришни янада ривожлантириш, шунингдек машина-трактор станцияларининг ишини яхшилаш программаси ишлаб чиқилган эди. Колхоз ишлабчиқаришини ривожлантиришда машина-трактор станцияларнинг роли ҳозирги вақтда айниқса ўсди.

Марказий Комитет сентябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун қурашда кадрлар проблемасига, айниқса МТСларни кадрлар блан та'минлашга асосий э'тибор берилди. Колхозларга хизмат кўрсатиш учун машина-трактор станцияларга 100 мингдан кўпроқ агроном ва зоотехник юборилди. Саноатдан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан МТСларга 23 минг инженер ва техник жўнаб кетди. Машина-трактор станциялари кўп миқдорда янги техника-тракторлар, дон комбайнлари, трактор сеялкалари, ва бошқа хил биринчи даражали қишлоқ хўжалик машиналари олдилар. Ҳозирги вақтда МТСларда ўнбеш от кучи ҳисобида бир миллиондан кўп трактор бор.

Партия Марказий Комитетининг ақиллиги бўлиб ўтган Пленумининг мамлакатда дон етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги ва қўриқ ҳамда бўз ерларни ўзлаштириш ҳақидаги қарори қишлоқ хўжалигини янада кўпроқ юксалтириш программасига янги ва жуда муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Пленумда бу масалани муҳокама қилишда маҳаллий партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг ходимлари, колхоз раислари ва совхоз ходимлари қатнашдилар.

Марказий Комитет Пленуми ўз қарорида дон хўжалиги мамлакат учун айниқса муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди ҳамда Қозоғистон ва Сибирьда, Урал ва Поволжьеда, шунингдек Шимолий Кавказда қўриқ ҳамда бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига буғдой ва бошқа дон экинлари етиштириши кескин суратда кўпайтириши, 1954 — 55 йилларда дон экиларини камида 13 миллион гектар кенгайтириши, шу блан 1955 йилда бу ерлардан бир миллиард пуддан кўпроқ дон олишни энг муҳим давлат вазифаси қилиб қўйди.

Ўртоқлар, бу катта ва оғир, аммо реал ва уддалаш мумкин бўлган вазифадир.

Бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш учун давлат бу йил 120 минг трактор, 10 минг комбайн ва бошқа кўп техника бермоқда. Янги ерлар ўзлаштирилаётган районларга мутахассислар ва малакали ишчилар жўнаб кетдилар ва янада кўпроқ жўнайдилар. Шонли-комсомолимиз янги ерларни ўзлаштириш соҳасида ишлаш учун комсомоллар ва ёшлардан 100 минг механизатор юборишга қарор қилди.

Марказий Комитет Пленуми қишлоқ хўжалиги юзасидан бошқа бирқанча қарорлар ҳам қабул қилди. Бу қарорларнинг ҳаммаси бир мақсадга — мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилишга қаратилгандир.

Қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш учун кураш ҳозирги вақтда коммунистик қурилишнинг энг муҳим участкаларидан биридир. Ўртоқлар, бу, —умумдавлат, умумхалқ вазифасидир. Бу вазифани ҳал этишда фақат қишлоқгина эмас, балки шаҳар ҳам қатнашмоқда. Бундан илгари совет кишилари ана шундай пайдо бўлиб қолган проблемаларни ҳал этишга партия ва ҳукуматнинг чақириғи бўйича кўп марта ғеж шимариб киришдилар ва уларни муваффақият блан ҳал этдилар. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш вазифаси ҳам шундай бўлади, бу вазифа ҳал этилади, бунга шак-шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Социалистик экономикамизни ривожлантиришнинг умумий якунлари шуни кўрсатадики, социалистик экономикамиз оғишмай юксалиб бормоқда, бу эса совет кишисининг маданий жиҳатдан ўсиши учун қулай шароит вужудга келтирмоқда. Совет тузуми халқ оммасида билим ва маданиятга интилишни инсонят тарихида мисли кўрилмаган даражада кучайтирди. Мамлакатимизда ўрта ва олий ма'лумот олаётган кишиларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бизда адабиёт, сан'ат ва фан ғоят гуллаб-яшнади.

Кишиларнинг маданий савиясини кўп даражада оширмай туриб, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан ҳартарафлама ўстирмай туриб социализмдан коммунизмга ўтиш мумкин эмас. Шунинг учун партия ва Совет Ҳукумати совет фани ва маданиятини ривожлантириш ҳақида, совет халқининг маданий савиясини юксалтириш тўғрисида бундан буён ҳам ғамхўрлик қиладилар.

Ўртоқлар! Агар биз яхшироқ ишласак, агар биз ўз ихтиёримиздаги имкониятлардан тўла фойдаласак, социалистик экономикамизда яна каттароқ муваффақиятларга эришаолган бўлар эдик.

Саноатни олинг. Халқ хўжалигининг бу тармоғида ҳали кўпгина жиддий камчиликлар бор. Биз бундан кўз юмаолмаймиз. Яхши ишлаётган кўпгина корхоналар блан бир қаторда, афсуски, давлат плани топшириқларини бажармаётган анчагина корхоналар ҳам бор. Кўп корхоналарда новаторларнинг илғор иш тажрибаси етарли жорий қилинмаётир. Ба'зи жойларда мавжуд ускуналардан тўла фойдаланилмаётир, ба'зи корхоналар маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармаётир. Москванинг саноатига келганда бу саноат умуман яхши ишламоқда, броқ, Москвадаги кўпгина корхоналарда ҳам бу камчиликлар бор.

Қишлоқ хўжалигидагидек, саноатимизда ҳам жуда кўп резервлар ва фойдаланилмаётган имкониятлар бор. Бу резерв ва имкониятлар ҳозиргача ишга солинмаган, дурустини айтганда, бу резервлар кўпинча кўз-ўнгимизда ётипти. Равшанки, агар қолоқ корхона, колхоз, совхоз ва МТСларни илғорлар қаторига етказиб уларда мавжуд бўлган резервлардан тўла фойдаланилса, у вақтда биз ишлаб чиқаришни ўстириш учун қандай қудратли манба'га эга бўлажагимизни кўз олдингизга келтиринг!

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг халқ хўжалиги олдида турган катта вазифалар меҳнат унумини янада ошириш учун кат'ият блан кураш олиб боришни талаб қилмоқда. Бунинг учун социалистик мусобақани янада кенг қизитиб юборишгина эмас, балки камчиликларни янада дадилроқ ва қаттиқроқ танқид қилиш ҳамда уларнинг тугатилишига тезроқ эришиш керак.

Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни та'минлайдиган энг муҳим шартлардан бири — раҳбарликдаги канцелария-бюрократик методларни, раҳбарларнинг ҳам, раҳбарлик қилинаётган кишиларнинг ҳам сон-саноқсиз қоғозлар ичида ўралиб қолиб, жонли ишни ва жонли кишиларни кўрмайдиган бўлиб қолишларидек аҳволни кат'ият блан тугатишдир. Партия раҳбарлик қилишдаги ана шундай ярамас услубни тугатиш учун кат'ий чоралар кўрмоқда ва бу муҳим ишда албатта муваффақият қозонилади.

Ўртоқлар! СССР Олий Советига бўлган кейинги сайловдан буён ўтган давр Совет Иттифоқининг ва бутун демократик лагерьнинг халқаро позициялари янада мустаҳкамланиш даври бўлди.

Социализм ва демократия лагеридаги мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз халқларининг иродасини бажариб, халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун, давлатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатилиши учун, тинчликни сақлаш ва та'минлаш учун аввалгидек изчиллик ва сабот блан кураш олиб бордилар.

Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тинчликсеварлик характерида эканлиги яқинда ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгашида яна бир марта, жуда ёрқин намойиш қилинди. Бу кенгаш бирқанча масалаларни аниқлаб олишга ёрдам берди ва халқаро кескинликни камайтириш учун Совет Иттифоқи кўраётган тадбирлар ўз натижаларини бераётганлигини кўрсатди.

Шу йил апрель ойида беш буюк давлат: Совет Иттифоқи, АҚШ, Франция, Англия ва Хитой вакилларининг кенгашини чақириш ҳақида Берлинда битимга келинди. Шундай қилиб, Хитой Халқ Республикаси бошқа буюк давлатлар қаторида ўзининг қонуний ўрнини олади.

Ҳозирги вақтда Хитой қудратли халқаро кучни ташкил қилади. Бу кучни кўрмаслик ёки менсимаслик мумкин эмас. Хитой Халқ Республикаси э'лон қилинган пайтдан буён атиги тўрт ярим йилча вақт ўтди. Шу вақт ичида Хитой уруш ва интервенция натижасида етказилган жароҳатларни даволабгина қолмай, балки катта демократик ислоҳатларни ҳам амалга оширди, ўз экономикасини юксалтирди ва халқ хўжалигини план блан ривожлантиришга киришди. Совет Иттифоқи блан бузилмас дўстлик блан боғланган Хитой Халқ Республикаси эндиликда Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизликнинг мустаҳкам таянчи бўлган чинакам буюк давлат сифатида майдонга чиқмоқда. (Қарсаклар),

Ҳамма халқ демократияси мамлакатлари ўз тараққиётларида анча катта муваффақиятларга эришдилар. Ҳозирги вақтда бу мамлакатлардаги ҳукуматларнинг ғайрати меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада оширишга, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилгандир.

Бутун социализм ва демократия лагери кейинги йиллар ичида янада кўпроқ кучайди ва жиндашди. Бу лагерьдаги ҳамма мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланди. Европа ва Осиёдаги дўстларимизга янги ҳаёт қуришда ва турмуш даражасини юксалтиришда янги муваффақиятлар тилаймиз, Халқ демократияси мамлакатларининг қардошларча дўстлиги янада кўпроқ мустаҳкамлансин! (Давомли қарсаклар).

СССР Олий Советига бундан аввал бўлган сайлов арафасида партиямиз халқаро ҳамқорлиқ учун, тинчлик, демократия ва социализм фронтини мустаҳкамлаш учун тинмай кураш олиб боражагини айтган эди. Биз партиянинг бу ва'даси бажарилганлигини кўриб турибмиз.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бундан буён ҳам, Марказий Комитетнинг Мурожаатида айтиб ўтилганидек, «янги урушга йўл қўймаслик учун, халқларнинг тинч яшаши учун, халқаро аҳволдаги кескин вазиятни юмшатиш ва давлатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатилиши учун бутун кучини сарф қилади».

Бизнинг ташқи сиёсатимизнинг асоси ва моҳияти ана шунда. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! СССР Олий Советига бундан аввал бўлган сайловдан кейин Совет Социалистик давлатининг қудрати негизланган ҳамма асосий кучлар ўсди ва мустаҳкамланди.

Совет жамиятининг — иқтисодий ва сиёсий манфаатлари бирхил бўлганлиги блан жиндашган бу катта меҳнаткаш оиланинг бирлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди. Уруш йилларида совет жамиятининг бирлиги даставвал душман устидан ғалаба қозонишга бўлган катта интилишда айниқса яққол намоён бўлган бўлса, ҳозирги вақтда бу бирлик коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда ва тинчлик учун курашда энг ёрқин намоён бўлмоқда.

Ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқи янада кўпроқ мустаҳкамланди. Бу иттифоқ давлатимиз кучи ва мустаҳкамлигининг энг муҳим асосларидан биридир.

Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди. Бу дўстлик ҳам социалистик давлат кучининг негизидир.

Украинанинг Россия блан қайтадан қўшилишининг шу йил нишонланаётган уч юз йиллиги совет халқлари дўстлигининг ёрқин намунасидир. Рус ва украин халқларининг байрами Совет Иттифоқидаги бошқа ҳамма халқларнинг ҳам байрамидир. (Қарсаклар).

Халқимизда совет ватанпарварлиги ҳисси янада кўпроқ ўсди ва мустаҳкамланди. Совет кишилари ўз социалистик Ватанининг қудрати тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини ва унинг халқаро ишлардаги та'сири ўсаётганлигини кўриб ва сезиб, ҳақли суратда унинг муваффақиятлари блан фахрланмоқдалар ва уни ҳимоя қилишга тайёргарликларини оширмоқдалар.

Ўртоқлар! Ўтган тўрт йил ичида Коммунистик партия ва совет ҳукумати мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ошириш ва Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш тадбирларини кўриб келдилар ва ҳозир ҳам кўрмоқдалар, чунки империалистлар ўз қуролли кучларини тинмай ривожлантираётирлар.

Агар биз Қуролли Кучларимизни мустаҳкамламасак, тузатиб бўлмайдиган хатони қилган бўлар эдик. АҚШ бош бўлган империалистик кучларнинг бизларга қарши ва халқ демократияси мамлакатларига қарши уруш тайёрлаш сиёсатини очиқдан-очиқ юргизаётганликларини кўрсатадиган жуда кўп фактлар ва мисоллар бор. Англия-Америка блоки мамлакатларида зўр бериб қуролланиш бораётганлиги, Европада ва бошқа территорияларда ҳарбий базалар қурилиши, герман империализмини тиклаш сиёсати — мана буларнинг ҳаммаси империалистик доираларнинг нимага интилаётганликларини ва қай томонга қараб бораётганликларини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Мана бундай шароитда ғаниматфурсатни қўлдан бой бермадик, айниқса биз урушдан ғолиблар сифатида чиқдик ва армиямиз дун'ёда энг кучли армия деб хотиржамликка берилмадик ва ўзимизни юпатмадик, бунга ҳаққимиз ҳам йўқ эди. Ма'лумки, илгарилаб бормаган киши орқада қолади, орқада қолганлар эса калтак ейди.

Шунинг учун Улуғ Ватан урушида эришилган ғалабадан кейин партия ва Ҳукумат мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш йўлидаги ўз ғайратларини бўшаштирмадилар. Ана шу соҳада қилинган ишлар натижасида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Улуғ Ватан урушининг жанговар тажрибасини ўзлаштириб партия ҳамда ҳукуматнинг ғамхўрлиги туфайли етарли миқдорда олинган энг янги ҳарбий техникани амалда эгаллаб, кейинги йилларда ўзининг ташкилий ишлари, оператив тактика тайёргарлиги ва жанговар қудратини ошириш ишлари соҳасида анча илгарига кетди. (Давомли қарсаклар).

Ҳарбий ишда энг муҳим нарса—Қуролли Кучларни тўхтовсиз мукаммаллаштириб боришдир. Бу айниқса авиацияга тааллуқлидир. Авиацияда техника тараққиёти жуда тез бормоқда. Биз шу йиллар ичида авиация техникасини ривожлантиришга ва ҳозирги замон талаблари даражасидан орқада қолмасликка ҳаракат қилдик ва биз буни уддалайолдик. (Гулдурос, давомли қарсаклар). Эндиликда бизнинг авиациямиз ҳозирги тезучар реактив самолётлар блан қуролланган. Бу соҳада қуруқликдаги қўшинлар юзасидан ҳам ҳамма зарур тадбирлар кўрилган. Партия ва ҳукумат Ҳарбий-Денгиз кучларимизни янги техника асосида мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шавкатли Ҳарбий-Денгиз Флоти Совет Армияси блан биргаликда давлатимиз денгиз чегараларининг ишончли соқчисидир. (Қарсаклар).

Қуролли Кучларимизнинг техника блан та'минланиши йил сайин ўсиб бормоқда. Броқ, ма'лумки, агар ана шу техника топшириб қўйилган кишилар бу техникани эгаллаб олмаса ва унинг ҳамма имкониятларидан фойдаланабилмаса, ҳатто энг мукаммал техника ҳам жангда муваффақиятни та'минлайолмайди. Бу жиҳатдан ўз кишиларимиздан кўнглимиз тўқ. Қуролли Кучларимиз тажрибали ва Ватанга садоқатли бўлган, қўшинларни ҳозирги замон талаблари савиясида ўргата ва тарбиялайоладиган офицер ва генераллар кадрларига эга. Қуролли Кучларда шахсий составни инженерлик-техника жиҳатидан тайёрлаш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Армия ва Флот эндиликда саноатдан ва қишлоқ хўжалигидан техника билими бўлган ва турли машина ҳамда механизмлардан фойдаланишда амалий малакаларга эга бўлган ёшларни олаётганлиги бу вазифанинг бажарилишини енгиллаштирмоқда.

Армиямиз ва Флотимизнинг асосий вазифаси, юқорида айтиб ўтганимдек, қўшиннинг ҳамма турларининг ҳарбий тайёргарлигини тинмай мукаммаллаштиришдан иборатдир. Армия, авиация ва Флотнинг ҳарбий жиҳатдан доим тайёр ҳолда бўлиши—ҳархил тасодифларга қарши энг ишончли гарантиядир.

Империалистлар қуролланишга жуда кўп моддий воситаларни ва миллиардларча маблағларни фақат бизни кўрқитиш учунгина сарфлайётирлар деб ўйлайолмаймиз.

Биз, шу блан бирга, империалистлардан инсонпарварликни ҳам кутаолмаймиз. Империалистларнинг кишиларни қўлбоғ қириш учун ҳарқандай воситаларни ҳам ишлатишдан тортинмаётганликларини турмуш кўрсатди.

Биз ҳарқандай қуролга эга бўлган ҳарбир душманга қақшатгич зарба беришга доим тайёр туришимиз керак. (Давомли қарсаклар).

И. В. Сталин вафот этганидан кейин халқаро реакцион доиралардаги ба'зи кишиларда Совет Иттифоқида муқаррар равишда ҳархил мушкулликлар бошланади, деган умид ва ҳархил мўлжаллар пайдо бўлди.

Совет воқи'лигини тўғри тушунаолмайдиган кишиларгина, партиямиз ва Ҳукуматимизнинг бутун фаолияти Маркс—Энгельс—Ленин—Сталининг ўлмас та'лимотидан, бизларга мақсадни ва ориентровкани равшан кўрсатиб берадиган та'лимотдан нур олиб порлаб турганини назарга олмаётган кишиларгина шундай деб ўйлашлари мумкин.

Бизнинг кучимиз—партия ва Ҳукуматнинг коллектив донолигидадир. Ҳозирги вақтда давлатимизда вужудга келган, Ленин ва Сталининг содиқ сафдошлари ҳамда шогирдлари коллективидан иборат раҳбарлик яқдил ва монолит, аҳл ва мустаҳкам, социалистик Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашини амалда та'минлашга қобилиятли раҳбарликдир. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Бизнинг совет халқимизга келганда, ўтган йил ичида у, Коммунистик партия ва Совет Ҳукумати атрофига янада маҳкамроқ жипслашди ҳамда уларнинг раҳбарлигида, улуғ Ленин бизларга кўрсатиб берган йўлдан—коммунизм йўлидан олга бормоқда. (Давомли қарсаклар).

Яшасин бизнинг улуғ социалистик Ватанимиз! (Давомли қарсаклар).

Яшасин қаҳрамон совет халқимиз ва унинг Ҳукумати! (Давомли қарсаклар).

Яшасин халқимизни зўр ишонч блан коммунизм сари бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! (Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).

Саратов-Ленин сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида 1954 йил 9 мартда

ЎРТОҚ М. А. СУСЛОВнинг сўзлаган нутқи

САРАТОВ, 9 март. (ТАСС). Бугун Н. Г. Чернишевский номидаги Давлат опера ва балет театрида Саратов-Ленин сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига кандидат КПСС МК секретари Ўртоқ М. А. Суслов блан учрашуви бўлди.

Йиғилишда «Саратовнефть» бирлашмаси Соколовогорский пармалаш конторасининг пармалаш мастери Ўртоқ Снетков, Н. Г. Чернишевский номидаги Давлат университетининг ректори Ўртоқ Мерцлин, Саратов мой комбинатининг инженери Ўртоқ Миронова, РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитучи Ўртоқ Покровский, университет студенти Ўртоқ Лапшова нутқ сўзладилар. Ишчилар коллективлари ва интеллигенция вакиллари СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик муносабати блан сиёсий ва меҳнат соҳасидаги активлик ғоят кўтарилганлиги тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар сайловчиларнинг коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун овоз бериш блан ғоят севикли Коммунистик партия учун, Юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун овоз беражакларини айтдилар. Улар сайловчиларни Ўртоқ М. А. Суслов учун овоз беришга чақирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан қизғин қутиб олинган Ўртоқ М. А. Суслов нутқ сўзлади.

* * *

Ўртоқлар! Аввало силарга ва Саратов-Ленин сайлов округидаги ҳамма сайловчиларга мени Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатиб, менга юксак ҳурмат ва ишонч билдирганингиз учун самимий ташаккур изҳор қилишимга ижозат эттайсиз. (Қарсаклар). Бу ишончи шараф блан оқлаш учун бутун куч-қувватимни аямайман деб Сизларни ишонтираман. (Қарсаклар).

Сизлар блан биз СССР Олий Советига сайлов арафасида турибмиз. Бу сайлов бизнинг мамлакатимиз учун, барча совет кишилари учун жуда катта воқиадир. Бу сайлов бутун совет халқининг ва ҳарбир гражданнинг жонажон манфаатларига тааллуқлидир. СССР Олий Совети чинакам халқ Совет ҳокимиятининг олий органидирки, Владимир Ильич Ленин бу ҳокимият тўғрисида: «Бу — ҳамма учун очиқ бўлган, ҳамма ишни омманинг кўзи олдида қиладиган, оммага яқин бўлган, бевосита оммаининг ўзидан келиб чиқадиган, халқ оммасининг ва шу омма иродасининг тўппа-тўғри ва бевосита органи бўлган ҳокимиятдир», деб ёзган эди.

Совет кишиларининг сайлов кампаниясига ниҳоят даражада қизиқиб қараётганликлари халқнинг энг муносиб ўғиллари ва қизларини, халққа садоқатли бўлган, халққа сидқидил блан астойдил хизмат қилишга тайёр бўлиб турган кишиларни Совет давлатининг олий органига сайлашга интилаётганликларидангина иборат эмас. Совет халқи СССР Олий Советига депутатлар сайлаётиб, шу блан бирликда ўтган давр ичида қилган ўзининг яратучилик меҳнатига якун ясайди, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати амалга ошираётган сиёсатининг тўғрилигини амалда синаб кўради, келгусида ўтказилиши лозим бўлган сиёсатга нисбатан ўзининг иродасини ва ўзининг муносабатини ифодалаб беради.

Буржуазия давлатларида миллионерлар ва миллиардерлар халқ устидан ҳукмронлик қиладилар, парламентларга сайлов ҳархил чеклашлар, сотиб олишлар, алдашлар, дўқ қилишлар ва меҳнаткаш сайловчиларга нисбатан тўғридан-тўғри террор қилишлар шароитида ўтказилади. Шу сайловдан биздаги сайловнинг фарқи шуки, бизнинг сайловларимиз изчил социалистик демократизм шароитида ўтказилади. Совет Конституцияси гражданларнинг миллати, ирқи ва жинсидан қат'ий назар, уларнинг тўла равишда тенгҳуқуқли бўлишини та'минлайди. Бизнинг мамлакатимизда эксплуататорлар ва эксплуатация қилинучилар кўпдан бери йўқ, шунинг учун ҳам ҳарбир гражданининг жамиятдаги мавқи'и унинг мулки ва ҳизмат мавқи'и ёки миллий ва ирқий келиб чиқиши блан эмас, балки унинг шахсий меҳнати ва шахсий қобилияти блан белгиланади.

Мана шуларнинг ҳаммаси туфайли мамлакатимизда сайлов сайловчиларнинг сиёсий ва ишлабчиқариш активлиги жуда кучайиб кетган вазиятда ўтади ва бизнинг Олий Советга сайловлар муносабати блан ўтказадиган сайлов кампаниямиз бой мазмунга эга бўлиб қолади. Буржуа парламентларига сайловлар вақтида бундай вазият асло бўлмайди.

Совет халқи бўлажак сайловни ўз Ватанининг улуғ Коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги остида эришган катта муваффақиятлари учун фахрланган ҳолда кутиб олмоқда.

СССР Олий Советига бундан илгари бўлиб ўтган сайловлардан бери ўтган вақт ичида совет кишилари Коммунистик партиясининг бутун фаолияти ўз халқига фидокорона хизмат қилишдан иборат эканлигига, партия халқ олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ҳаммасини муттасил ва тўлиқ бажариб келаётганлигига янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдилар.

Коммунистик партия 1950 йилдаги сайловни ўтказаётган вақтда социалистик саноатни ва қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтириш учун курашиш тўғрисида халққа ва'да берган эди. Энди ҳамма кўриб турибдики, бу ва'да тўла равишда бажарилди. Бизнинг социалистик экономикамиз ўтган тўрт йил ичида ўз тараққиётида ҳақиқатан ҳам жуда катта натижаларга эришди.

Совет кишилари 1950 йилги сайлов кампаниясида бутун саноатнинг ялпи маҳсулоти ўша вақтда урушдан олдинги даражадан 41 процент ошиқ бўлганлигини кўриб ҳақли равишда фахрланган эдилар. 1953 йилда СССРда саноат ишлабчиқаришининг ҳажми урушдан олдинги 1940 йилги даражадан энди икки ярим баравар ошиб кетди.

Ўртоқ М. А. СУСЛОВ нутқининг охири

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Совет давлатининг ташқи сиёсати янги урушга йўл қўймаслик ва халқимизнинг тинч меҳнатини ва халқимиз фаровонлигиниҳ тинмай оширишни та'минлаш йўлида сра ўзгартирилмай олиб борилаётган сиёсатдир. Бизнинг давлатимиз халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун, давлатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатиш учун қунт блан ва муттасил курашиб келмоқда. Биз бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик позициясида турибмиз ва ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг узоқ вақт иноқ бўлиб бирга яшашлари мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг мамлакатимиз 50 тадан кўпроқ давлат блан кенг савдо-сотиқ ишларини олиб бормоқда. Совет Иттифоқи ва четэл мамлакатларининг бир-бирларига ҳархил делегациялар юбориб туришлари йилдан йилга кўпаймоқда.

Совет давлатининг бутун дун'ё халқларининг туб манфаатларига мос келадиган тинчликсевар ташқи сиёсати халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам бермоқда, реакцион империалистик кучларнинг ҳаракатларини қийинлаштирмоқда ҳамда тинчлик ва демократия улуғ лагерини мустаҳкамламоқда. Эндиликда бу лагерь бутун халқаро ҳаётнинг энг ҳал қилувчи кучларидан бири бўлиб қолди.

Халқ демократияси мамлакатлари Совет Иттифоқи блан яқин дўст ва қардошларча иттифоқ бўлиб ўсмоқдалар, мустаҳкамланмоқдалар ва тинчликни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Совет Иттифоқининг тажрибаси шу мамлакатларнинг халқларига социалистик экономика пойдеворини муваффақият блан қуришга ёрдам бермоқда.

Бизнинг Ватанимиз СССР Олий Советига сайловни ўз кучлари яшнаб турган ҳолда, экономика ва маданият зўр куч блан юксалаётган шароитда кутиб олмоқда.

Биз мана шу муваффақиятларнинг ҳаммасига нималар туфайли етишдик?

Биз шу муваффақиятларга ижтимоий социалистик тузумимиз туфайли етишдик. Социалистик ижтимоий тузумимизнинг капиталистик тузумдан устунлиги борган сари яққолроқ ва сезиларлироқ бўлиб кўринмоқда.

Биз шу муваффақиятларга коммунизмнинг чинакам қуручилари бўлган ишчилар синфимизнинг, колхозчи деҳқонларимизнинг, совет интелигенциямизнинг фидокорона меҳнат қилаётганликлари туфайли етишдик.

Биз шу муваффақиятларга улуғ Ленин яратган Коммунистик партия туфайли етишдик. Партиянинг раҳбарлиги ва партия сафларининг монолитлиги совет тузумининг мустаҳкамлигини ва бузилмаслигини ҳамда унинг ҳамма муваффақиятларини та'минлайдиган ҳал қилувчи шартдир.

Хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги, шунингдек ташқи сиёсат соҳасидаги муваффақиятларимиз шак-шубҳасиздир. Лекин партия бизга эришилган натижалар блан тўхтаб қолмаслик керак, камчиликларни дадиллик блан очиб ташлаш, янада ривожланиш учун резерварни ва имкониятларни топиш, янгидан-янги катта вазифаларни олдимизга қўйиш, тинмай олга бориш керак, деб та'лим беради.

Коммунистик партия ўзининг сайловчиларга қарата Мурожаатида барча совет кишиларини мамлакат ишлабчиқариш кучларини тўхтовсиз ва тез ривожлантириш учун, социалистик саноатимизни янада яшнатиш ва қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш учун, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини тинмай ошириш учун, социалистик давлатимизнинг қудрати ва кучини бутун чоралар блан мустаҳкамлаш учун, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашга чақиради.

Кейинги ярим йил ичида партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорларда яқин икки-уч йил ичида халқ иste'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш ва аҳолининг шу молларга ўсиб бораётган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш вазифаси қўйилди. Енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини тез сур'атлар блан ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин сур'атда юксалтиришнинг кенг программаси чизиб берилди.

Бу тарихий вазифанинг муваффақият блан ҳал этилиши капиталистик ва мустамлака мамлакатлари халқларига жуда кучли жозибадор та'сир ўтказиб, бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки халқаро миқ'ёсда ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Партиямиз томонидан халқнинг моддий фаровонлигини тез оширишга қаратилган тадбирлар ўтказилаётганлиги муносабати блан душманларимизнинг безовта бўлаётганликлари тасодифий эмас.

Биз ўзимиз барпо қилган, техника жиҳатидан мукаммал бўлган қудратли оғир индустрияга ва анча мустаҳкамланиб қолган колхозларга таяниб туриб, халқ хўжалигининг энг катта вазифаларини белгиланган муддатларда ҳал қилиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Броқ, қулай шароитлар борлигининг ўзигина саноат соҳасида ва қишлоқ хўжалиги соҳасида партия томонидан мўлжалланган тадбирлар ортиқча куч сарф қилмасдан бажарилиши мумкин деган ма'нони билдирмайди. Аксинча, бутун партия, Советлар, комсомол, касаба союзлари зўр бериб ташкилотчилик ва сафарбарлик ишини олиб борганидагина, бутун халқимиз актив қатнашиб, фидокорона меҳнат қилганидагина шу қадар жуда катта вазифаларнинг муваффақият блан бажарилишини та'минлаш мумкин. Ҳарбир корхонанинг, колхознинг, совхознинг ва МТСнинг ишларини жиддий суратда яхшилашга эришиш зарур. Ба'зи корхоналарнинг ва ҳатто саноатдаги бутун тармоқларнинг план топшириқларини бажармаётганликлари, жуда бой техникадан яхши фойдаланмаётганликлари, ускуналарнинг кўп вақт бекор туришига йўл қўяётганликлари, меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш масалаларига етарлик э'тибор бермаётганликлари сингари бизнинг ишимизда ҳали ҳам учраб турган ҳолларга хотима бериш зарур.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш мамлакатимиздаги ишчиларнинг, колхозчиларнинг ва барча меҳнаткашларнинг фаровонлигини кескин суратда ошириш учун курашда ҳал қилучи шартдир. Партиямиз колхозчи деҳқонлар, машина-трактор станцияларининг ва совхозларнинг ходимлари социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳамма резервларини энг қисқа муддат ичида ишга солиш, қолоқ районлар ва колхозларнинг ҳаммасини илғорлар даражасига етказиш учун ўзларининг бутун кучларини сарф қиладилар, деб астойдил ишонади.

Бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг негизи бўлган дон хўжалигини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Коммунистик партия Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми дон етиштиришни анча кўпайтиришнинг конкрет программасини ишлаб чиқди. Асосий вазифа аввало шундан иборатки, дон экинларининг ҳосилини жиддий равишда оширишни та'минлашимиз керак. Бизда жуда катта резервлар бор. Шу блан бирликда, партия дон етиштиришни кўпайтиришда Қозоғистон, Урол, Сибирь ва Волга бўйи районларидаги бўз ва қўриқ ерларга дон экинлари экишни кенгайтиришга катта аҳамият бермоқда. 1954 ва 1955 йилларнинг ўзидагина камида 13 миллион гектар бўз ва қўриқ ер ҳайдалиши лозим.

Партия ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тадбирларни совет халқи яқдил бўлиб қизғин ма'қулламоқда. Саноатни ва қишлоқ хўжалигини янада зўр куч блан юксалтириш учун, социалистик хўжалигимизда ҳамма резервлардан тўла фойдаланиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг алангаси ҳамма жойда кучайиб бормоқда.

Саратов области меҳнаткашлари халқ иste'мол қиладиган молларни ишлаб чиқаришни кескин равишда кўпайтириш ҳамда дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қат'ий равишда кўпайтириш учун умумий курашга анча ҳисса қўшишлари лозим. Саратов области мамлакатга кўпроқ саноат маҳсулоти бериши мумкин ва лозим. Область олдида қишлоқ хўжалиги соҳасида жуда катта вазифалар турибди. Область қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволини қониқарлик деб айтиб бўлмайди. Кўпгина колхозлар ва совхозлар қишлоқ хўжалик экинларидан кейинги йилларда паст ҳосил олмоқдалар. Картошка ва сабзавот етиштиришга э'тибор берилмаётир. Чорвачиликнинг маҳсулдорлиги жиҳатидан урушдан олдинги даражага ҳали ҳам эришилгани йўқ.

Саратов области қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини қисқа муддат ичида жиддий равишда юксалтирмоқ учун ҳамма имкониятларга эга. Областьда унумдор ерлар бор. Колхозлар, совхозлар ва МТСлар илғор техника блан етарлик миқдорда та'минланган. Фақат шу имкониятлардан моҳирлик блан фойдаланиш, илғор колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг тажрибаларини барча колхозларга, МТСларга ва совхозларга қунт блан жорий қилиш керак, холос.

* * *

Ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимиз ўз олдига юксак ва гўзал мақсадларни қўйиб, мана шу мақсадларга эришмоқ учун курашмоқда! Биз коммунистик жамият қурмоқдамиз ва давлатимизнинг янада кўпроқ мустаҳкамланиб, гуллаб-яшнашига, барча совет кишиларининг турмушлари бахтли ва қувноқ турмуш бўлишига, техника ва фан деҳқонларнинг ва ишчиларнинг меҳнатини янада кўпроқ осонлаштиришига, бизнинг кишиларимизнинг яхшироқ кийинадиган, яхшироқ овқатларни ейдиган бўлишларига, яхшироқ уйларда туришларига ва маданиятнинг ҳамма меваларидан фойдаланадиган бўлишларига эришмоқдамиз.

Бизнинг Ватанимиз ўзининг чексиз кучларига тўла ишонгани ҳолда ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Совет халқининг ҳамма ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқининг улуғ Коммунистик партияси бизни коммунизм сари олға бошлаб бормоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бизнинг партиямиз бўладиган сайловни халқ блан маҳкам бирликда кутиб олмоқда. Коммунистлар блан партиясизларнинг халқ блоки муттасил ғалабалар қозониб, ўзининг улуғ ҳаётий кучини неча марталаб кўрсатди. Ҳеч шубҳасиз, 1954 йил 14 март куни ҳам коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг тўла тантанаси блан нишонланади. **(Қарсаклар).**

Бўладиган сайловда коммунистлар блан партиясизлар бузилмас блокининг ғалабаси учун! **(Қарсаклар).**

Яшасин ва яшнасин қудратли социалистик Ватанимиз! **(Қарсаклар).**

Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи! **(Қарсаклар).**

Яшасин улуғ ва доно Коммунистик партиямиз! **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг делегацияси Варшавага келди

ВАРШАВА, 9 март. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг КПСС Марказий Комитети биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, КПСС Москва область комитети биринчи секретари ўртоқ Н. А. Михайлов, Украина КП Марказий Комитети президиумининг а'зоси ва Украина ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. Е. Корнейчук, Белоруссия КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Н. Е. Ахвимович составидаги делегацияси Польша Бирлашган ишчи партиясининг иккинчи с'ездида қатнашиш учун бугун Варшавага келди.

Совет-Польша чегарасида КПСС делегациясини Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари ўртоқ Юзеф Циранкевич ва ўртоқ Франтишек Мазур кутиб олдилар.

Польша бирлашган ишчи партиясининг II с'езди очилди

ВАРШАВА, 10 март. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Варшавада Польша Бирлашган ишчи партияси (ПОРП)нинг II с'езди очилди.

Жисмоний тарбия академиясининг катта зали с'езд очилишидан анча илгари делегатлар ва меҳмонлар блан лиқ тўлди. С'ездга Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, КПСС Москва области комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. А. Михайлов, Украина КП Марказий Комитети Президиумининг а'зоси ва Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. Е. Корнейчук, Белоруссия КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Н. Е. Ахвимовичлардан иборат делегацияси, Хитой Коммунистик партиясининг делегацияси, халқ демократияси мамлакатлари қардош коммунистик партиялари ва ишчи партияларининг делегациялари, Германия Бирлашган социалистик партиясининг делегацияси, шунингдек Буюк Британия, Франция, Италия, Финляндия қардош партияларининг Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги бошқа кўп мамлакатлар қардош партияларининг делегациялари етиб келдилар.

Кундуз соат 12 да залда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг раиси ўртоқ Болеслав Берут ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари пайдо бўладилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги делегациясининг а'золари ҳам залга кириб келадилар. Ҳамма ўрнидан туради ва гулдурос овация қилади.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг Марказий Комитети номидан ва унинг топширувига биноан с'ездни партия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси ўртоқ Юзеф Циранкевич очди. У та'кидлаб ўтдики, бундан беш йил илгари ўзининг бирлаштирувчи с'ездида ташкил қилинган Польша Бирлашган ишчи партияси поляк халқини тарихий ғалабалар йўлидан ишонч блан олға бошлаб бормоқда. Ўтган давр ичида мамлакатда роят катта ўзгаришлар юз берди. Мамлакатни индустрлаш муваффақият блан амалга оширилмоқда, қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар юз бермоқда.

Ўртоқ Ю. Циранкевич гениал Ленин ишининг улуғ давомчиси, поляк халқининг дўсти И. В. Сталин хотирасини ўриндан туриб ҳурмат блан эсга олишни таклиф этади.

Ўртоқ Ю. Циранкевич ўз сўзида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегациясини, шунингдек бошқа қардош коммунистик партиялар ва ишчи партияларнинг делегацияларини самимий табриклади. Ҳамма ўрнидан туради ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига ҳамда бошқа қардош партиялар шарафига гулдурос, давомли овация қилади.

С'езд президиум сайлади. Президиумга Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг а'золигига кандидатлар, Болеслав Берут бошчилигида Марказий Комитет секретариатининг а'золари кирдилар. Раислик қилучи гулдурос қарсаклар остида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги делегациясини, шунингдек қардош коммунистик партиялар ва ишчи партиялар делегацияларининг раҳбарларини президиумдан жой олишга таклиф этади.

С'езднинг бошқа органлари ҳам сайланди. Қўйидаги кун тартиби яқдиллик блан тасдиқланди:

1. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг ҳисоботи — докладчи Марказий Комитет раиси Болеслав Берут;

2. Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи — докладчи С. Рузга;

3. Олтийиллик планнинг кейинги икки йили (1954—1955 йиллар) нинг асосий иқтисодий вазифалари — докладчи Х. Минц;

4. 1954—1955 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифалари ҳақида ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун зарур тадбирлар кўриш ҳақида: — докладчи З. Новак;

5. Ба'зи ташкилий вазифалар ва Польша Бирлашган ишчи партиясининг Уставига киритиладиган ўзгартиришлар — докладчи Э. Охаб;

6. Партиянинг раҳбар органларини сайлаш.

Сўнгра с'езд делегатлари томонидан самимий кутиб олинган Польша Бирлашган ишчи партияси МК раиси Болеслав Берут Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа масалалари блан шуғулланучи Иқтисодий комиссиясининг 9-нчи сессияси очилди

ЖАНВА, 9 март. (ТАСС). Бугун Жанвада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Европа масалалари блан шуғулланучи Иқтисодий комиссиясининг 9-нчи сессияси очилди. Сессиянинг ишида Европадаги 24 мамлакатнинг ва АҚШнинг вакиллари, шунингдек бирқанча махсуслаштирилган ва ғайрирасмий ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқда. Совет Иттифоқи делегациясига СССР Ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин бошчилик қилмоқда. Франция делегациясига молия ва экономика министри Эдгар Фор, Англия делегациясига ташқи ишлар бўйича давлат министри лорд Рединг бошчилик қилмоқда. Сессия қатнашчилари ўртасида Украина ССР, Белоруссия ССР, Польша, Чехословакия, Финляндия, Италия, Швеция, Югославия ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари бор.

Сессияни БМТнинг Европа масалалари блан шуғулланучи Иқтисодий комиссиясининг раиси Ульрих (Чехословакия) очди. У уқтириб ўтдики, ҳозирги сессиянинг иши халқаро вазиятдаги кескинлик юмшаётган шароитда бошланмоқда, бу ҳол сессиянинг ишига яхши та'сир қилиши лозим.

Сўнгра БМТнинг Европа масалалари блан шуғулланучи Иқтисодий комиссиясининг бошқаручи секретари Мюрдаль сўзлади. У Шарқий ва Ғарбий Европа ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг кенгайганлигини мамнуният блан қайд қилиб ўтди ва СССР ҳамда Шарқий Европа мамлакатларининг вакиллари Комиссиянинг ишига анча катта ҳисса қўшдилар, деб уқтириб ўтди. Мюрдаль Иқтисодий комиссиянинг 9-нчи сессияси Европа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш соҳасида муҳим роль ўйнайди деб умид билдирди ва ҳозирги сессиянинг иши ҳаммани қизиқтираётганлигини та'кидлаб ўтди. У шу йилнинг бошида Европа давлатларининг пойтахтларига қилган сафари вақтида бунга иноннган. Буни, — деди у, — ҳозирги сессиядаги делегацияларнинг состави ҳам та'кидламоқда.

Бугун сессияда БМТ бош секретарининг ёрдамчиси Жорж-Пико ҳам сўзлади.

Сессия март ойининг охиригача давом этади. Сессия Европа мамлакатлари ўртасидаги, шунингдек Европа мамлакатлари блан бошқа қит'алардаги мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг актуал масаласини муҳокама қилади ҳамда Европанинг иқтисодий аҳволи ҳақида Иқтисодий комиссия секретариати томонидан тайёрланган обзорни муҳокама қилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИДА

ПРАГА, 10 март. (ТАСС). Кеча Чехословакия Миллат мажлисининг сессияси очилди. Мажлисда республика президенти Антонин Запотоцкий, бош министр Вильям Широкий бошчилигида ҳукумат а'золари ҳозир бўлдилар. Сессияга келган меҳмонлар орасида ССРнинг Чехословакиядаги элчиси Н. П. Фирюбин ва дипломатик корпус а'золари бор эди.

1952 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида ва 1954 йилги давлат бюджетининг ҳукумат проекти ҳақида молия министри Юлиус Дюриш доклад қилди. У дедики, Чехословакия биринчи бешйиллиқда катта муваффақиятларга эришди: 1953 йилда ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқариш 1946 йилдагига нисбатан 119 процент кўпайди, социалистик сектор саноатда 99,6 процентни, қурилишда 99,8 процентни, савдода 99,7 процентни, қишлоқ хўжалигида 45,4 процентни ташкил этмоқда. Бешйиллик даврида давлат бюджети таққос қилинадиган миқдорда икки баравардан зиёд ўсди.

Беш йил ичида миллий даромад учдан икки қисми миқдорида кўпайди.

Албания пахтакорларининг республика кенгаши

ТИРАНА, 10 март. (ТАСС). Кеча Тиранада пахтакорларнинг биринчи республика кенгаши очилди. Кенгаш ишларида мамлакатнинг энг яхши пахтакорлари, қишлоқ хўжалик кооперативларининг раислари, давлат қишлоқ хўжаликлари ва МТС ларнинг ходимлари, агрономлар иштирок этмоқдалар.

Кенгашда Албания Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Анвар Хўжа, Халқ Мажлиси Президиумининг раиси Хожи Леши, Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари, ҳукумат а'золари қатнашмоқдалар.

Кенгашда Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш министри Ҳюсни Капо доклад қилди. У кенгашнинг мақсади — мамлакатда пахта етиштиришни кўпайтиришга эришиш учун Албания илғор пахтакорларининг тажрибасини ёйишдан иборат эканлигини уқтириб ўтди.

Капо 1953 йилда пахта майдони 1949 йилдагига нисбатан 2,5 баравар кенгайганлигини, 1949 йилдагига қараганда 8,7 марта кўпроқ пахта тайёрланганлигини та'кидлади. Бу йил техника экинлари экиш учун 36 минг гектар ёки бутун экин майдонининг 9,2 проценти, шу жумладан пахта экиш учун 21 минг гектар ер ажратилади.

Прогрессив пуэрторикочиларга қарши жазо чоралари

НЬЮ-ИОРК, 10 март. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Сан-Хуандан (Пуэрто-Рико) хабар беради: Пуэрто-Рико юстиция министрининг берган баёнотига кўра, мамлакатнинг қамоққа олинган прогрессив арболари Америкадаги антикоммунистик қонун—Смит қонуни нусхаси бўйича тузилган «53-нчи сонли қонун» асосида судга бериладилар.

«Дейли уоркер» газетаси мухбирининг билдиришича, Пуэрто-Рикода қамоққа олинганлар орасида Пуэрто-Рико тинчлик тарафдорлари комитетининг раиси ва «Эль пуэбло» газетасининг редактори Феликс Охеда ва тинчлик тарафдорлари комитетининг секретари Хосе Энаморадо Куэста бор.

Америка капиталининг Покистон экономикасига суқулиб кириши

КАРАЧИ, 10 март. (ТАСС). «Имруз» газетасининг хабар беришича, Американинг учта йирик нефть кампаниясининг вакиллари яқинда Карачига келадилар. Улар бу кампанияларга Покистонда нефть қидириш ва нефть конларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақида Покистон ҳукумати блан музокара олиб борадилар.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда бугун кундузи Ўзбекистон областларида ҳаво ўзгариб туради, Сурхандар'ё ва Қашқадар'ё областларида бироз ёғингарчилик бўлади. Бошқа областларда эса ёғингарчилик бўлмайди. Температура 3—10 даража ўртасида иссиқ, ба'зи жойларда иссиқлик 15 даражага етади. Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 8—10 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Сайловчиларнинг овози

(Мухбирларнинг хатига обзор)

Мамлакатимизда СССР Олий Совети сайловига саноқли кунлар қолган ҳозирги вақтда область партия ва совет ташкилотлари, агитпункт ва агитколлектив составлари сиёсий-ташкилий ҳамда агитация-пропаганда ишларини янада кенг кўламда қизитиб юбордилар.

Агитатор ва пропагандистларнинг кенг сайловчилар орасида олиб бораётган лекция ва суҳбатлари партия ва ҳукуматимизнинг СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини янада ошириш тўғрисида чиқарган қарорлари блан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилмоқда. Улар қишлоқ хўжалигини тез сур'атлар блан тараққий этдириш, кенг иste'мол моллари ишлаб чиқаришни кескин равишда кўпайтириш тўғрисида, барча совет халқлари моддий-маиший ҳаётини тинмай яхшилаб бориш, фан ва маданиятни янада ўстириш тўғрисида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлигини меҳнаткашларга жонли фактлар асосида сўзлаб бермоқдалар. Агитаторлар республикамиз меҳнаткашлари олдида турган энг муҳим вазифаларни, айниқса пахтачилик соҳасидаги улуғвор вазифаларни сайловчиларга изчиллик блан тушунтириб бермоқдалар.

Агитаторлар ўтказаётган СССР халқларининг мустаҳкам дўстлиги, совет сайлов системаси — дун'ёда энг демократик сайлов эканлиги, СССР Конституцияси ҳақидаги лекция ва суҳбатлар сайловчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Мухбир ўртоқ **М. Шаменов** Қуйичирчиқ районидаги агитпункт ва агитколлектив составларининг иш фаолиятлари ҳақида қуйидагиларни ёзади: районимиздаги Герцен номли мактабга жойлашган агитпункт байрамдагидек безатилган. Бу агитпункт (мудири ўртоқ Тотманев) ҳар куни сайловчилар блан гавжум бўлади. Улар шинам хонада турли темаларда суҳбат ва лекциялар тинглашади, газета ва журналлар ўқиб маданий дам оладилар. М. Боробина, С. Рижкова, И. Дмитриева каби агитаторларнинг суҳбатлари жуда кўнгилли ўтмоқда. Улар Қуйичирчиқ районининг бундан тўрт-беш йил илгариги аҳволи блан ҳеч тенгластириб бўлмайдиган ҳозирги кўркам қиёфасини: қад кўтараётган янгидан-янги уй-жой бинолари, заводлар, мактаблар, болалар боғчаси — буларнинг ҳаммасини СССР Конституциясининг порлоқ қуёши остида вужудга келганлигини сайловчиларга мароқ блан сўзлаб бермоқдалар.

Социалистик Чирчиқ шаҳридаги 142/106-нчи агитпунктнинг иш фаолияти умумхалқ байрами яқинлашаётган шу кунларда янада қизғин тус олди, деб ёзади мухбир ўртоқ **Т. Ўринов**, оз кунлар ичида сайловчиларнинг ўндан ортиқ йиғилиши бўлиб, бу йиғилишларда шаҳар партия комитетининг лектори ўртоқ Дадаев «Халқаро аҳвол», Чирчиқ шаҳрин ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Россинский «Чирчиқ шаҳрини келажакда янада обод қилиш перспективалари» деган темаларда лекциялар ўқидилар.

Сирдар'ё район колхозлари ҳамда совхоз ва МТСларидаги агитпунктларда ҳам СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик ишлари кун сайин авж олмоқда. Айниқса «Ҳақиқат» колхозига жойлашган 127/68, Тарас Шевченко номли колхоз территориясидаги 132/73-нчи агитпунктларнинг иши бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу агитпунктларда сайловга оид турли адабиётлар, бадиий китоблар, газета ва журналлар етарли. Мухбирлардан ўртоқ **Э. Раҳмонов** бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: Агитпунктларга бириктилган юздан ортиқ агитаторлар план асосида иш олиб бориб, сайловчилар орасида агитация ва пропаганда ишларини тўғри йўлга қўйганлар. Улар шу кунларда СССР Олий Совети депутатлигига кандидатларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг Ватан ва совет халқи олдидаги катта хизматлари — иш фаолиятлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги қарорларидан руҳланган Охунбобоев номли колхоз а'золари ариқ ва зовурларни қазиш ишларини тугалладилар. Тарас Шевченко номли колхоз а'золари эса, экин майдонига 50 тоннадан ортиқ ўғит ташиб чиқардилар. Шу каби бирқанча колхозларда ҳам кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик кенг қизитилиб юборилди.

Шу кунларда областимиз сайловчилари СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган кандидатлар блан учрашмоқдалар, уларнинг меҳнат фаолиятлари блан танишмоқдалар.

— Яқинда, — деб ёзади мухбир ўртоқ **А. Сатторов**, — бекободли сайловчилар Джерзинский номли колхознинг катта клубида ўз кандидатлари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳамроқул Турсунқулов блан учрашув кечаси ўтказдилар. Бу учрашувга шаҳарнинг минглаб меҳнаткашлари йиғилди. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Сотиболдиев ўртоқ Турсунқуловнинг пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари ва у босиб ўтган шонли йўл ҳақида сўзлаб берди. Сўзга чиққан сайловчилар ўзбек халқининг содиқ фарзандига яқдиллик блан овоз беришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Мухбир ўртоқ **У. Йўлдошев** бундай деб ёзади: Ўртачирчиқ ва Ўртасарой район меҳнаткашлари ўз кандидатларидан Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди ўртоқ И. З. Сусайков блан учрашдилар. Ҳар икки район меҳнаткашлари ҳам ўз кандидатларини қизғин қарши олди. Улар ўртоқ И. З .Сусайковга яқдиллик блан овоз беражакларини билдириб, кандидатни чин юракдан табриклдилар.

Мухбирлардан **Н. Азимов, Н. Бобожонов, Х. Ғуломова, Н. Тошпўлатов, А. Са'днев, Н. Насимов, Қ. Ҳикматов, Т. Аҳмедов** ўртоқлар ҳам Тошкент педагогика институти қошидаги, Оржоникидзе ва Қорасув районидаги кўпгина агитпунктларда агитация ва пропаганда ишлари яхши йўлга қўйилганлигини, сайловчиларнинг маданий дам олишлари учун барча шароитлар яратиб берилганлигини, шунингдек Сталин, Оржоникидзе, Октябрь район меҳнаткашлари ўз кандидатлари блан қизғин учрашув кечалари ўтказганликлари ҳақида ёзганлар.

Мухбирлардан **Т. Йўлдошев, У. Мамасолиев, Т. Қудратов, А. Махсумов, Т. Сулаймонов, Ф. Жумақулов, И. Мансуров, А. Арслонов, С. Назаров, И. Қосимов, Н. Рихсиев, А. Сатторов**, ўртоқлар ҳам ўз районларида сайловга қизғин тайёргарлик кўрилганлигини тўғрисида ёзганлар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Сайлов участкалари ва агитпунктлар ишидаги жиддий камчиликлар ҳақида“

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 27 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 1/1, 2/2, 22/22 ва бошқа сайлов участкалари ҳамда агитпунктлардаги қатор камчиликлар очиб ташланган эди. Октябрь район партия комитетининг редакциямизга билдиришича, мақола бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг сайлов участка раислари ва агитпункт мудирлари блан бўлган кенгашида муҳокама қилинган. Мақолада кўрсатилган фактлар тасдиқланган.

Кенгаш сайловчилар ўртасида агитация-пропаганда ишларини кучайтириш, маданий дам олиш ишларини яхшилаш, сайловчиларни рўйхатга олишдаги нуқсонларни тезда тугатиш тўғрисида амалий тадбирлар белгилади.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/III да **Юрак сирлари** 13/III да **Отелло.**

НАВОИЙ номли театрда — 12/III да **Евгений Онегин**, 13/III да **Сотилган қайлиқ.**

МУҚИМИЙ номли театрда — 12/III да **Муқимий**, 13 /III да **Тоҳир ва Зуҳра.**

«РОДИНА» — кундуз **Қатта ҳаёт**, кечқурун **«Калиновая рощча».**

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — кундуз ва кечқурун **Катта ҳаёт.**

НАВОИЙ номли кинотеатр — кундуз **Цирк**, кечқурун **Катта ҳаёт.**

«ИСКРА» — ҳамма залда **Сепли тўй.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Калиновая рощча».**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **«Калиновая рощча».**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Катта ҳаёт.**

Ўзгариш кўча, 61-нчи уйда туручи **Нина Сергеевна Бичкованинг** Чиланзор кўча, Журнальний тупик, 55-нчи уйда туручи Михаил Ефимович Бичковдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Сталин район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
янги программада
ЦИРК ТАМОШАЛАРИ
Хотин-қизлар—
цирк сан'ати усталари
Парад-пролог
«Совет хотин-қизлари»
РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар опа-сингил Кохларнинг
АТТРАКЦИОНИ.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА
1-нчи қўл
ЎЗБЕКЧА МАШИНИСТКАЛАР
КЕРАК
«Правда Востока» кўчаси, 34-нчи уй, 4-нчи қаватда 87-нчи хонага келиб учрашилсин. Телефон — 34-048.

Ўзбек тилида чиқадиган
„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
ва рус тилида чиқадиган
„ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА“
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
апрель ойи учун ва 1954 йил охиригача
обуна қабул қилиш
давом этмоқда
АЙРИМ КИШИЛАРДАН ОБУНА:
муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек «Союзпечать» шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), Бош почтамтда (Крилов кўчаси, 4-